

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида УДК:42/48+414

Ходжаева Мадинабону Махамаджановна

**Мавзу: “Инглиз ва ўзбек тилларидаги вокализм
системаларининг фонетик ва фонологик жihatлари қиёсий
тадқиқи”**

Ихтисослик: 5А 120102 – Лингвистика (инглиз тили)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: филология фанлари номзоди, доцент

С.Солижонов

Farg'ona – 2020

Мавзу: Инглиз ва ўзбек тилларидаги вокализм системаларининг фонетик ва фонологик жиҳатлари қиёсий тадқиқи

Кириш

I БОБ. Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси

1.1. Вокализм тизимини тиллараро чоғиштиришнинг назарий асослари

1.2. Тилнинг товуш қурилиши: сегмент ва суперсегмент бирликлар

II БОБ. Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм тизими: фонетик ва фонологик хусусиятлар

2.1. Тиллардаги вокализм тизимининг ўзига хос хусусиятлари

2.2. Инглиз тили вокализм тизимининг фонетик ва фонологик жиҳатлари

2.3. Ўзбек тили вокализм тизимининг фонетик ва фонологик жиҳатлари

III БОБ. Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида фонологик изоморфизм ва алломорфизм

3.1. Чоғиштирилаётган тиллар вокализм тизимида фонетик ўхшаш ва фарқли жиҳатлар

3.2. Чоғиштирилаётган тиллар вокализм тизимида фонологик ўхшаш ва фарқли жиҳатлар

3.3. Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида интерференция омили ва лингводидактика масалалари

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ДИССЕРТАЦИЯ АННОТАЦИЯСИ

Диссертация мавзуси: **“Инглиз ва ўзбек тилларидаги вокализм системаларининг фонетик ва фонологик жихатлари қиёсий тадқиқи”**.

Мавзунинг долзарблиги: Мазкур магистрлик диссертацияси инглиз ва ўзбек тилларидаги вокализм системаларининг фонетик ва фонологик жихатдан қиёсий тадқиқи масалаларига бағишланган бўлиб, унда икки тилнинг унли товушлар тизимини бир бирига солиштирган ҳолда ўхшаш ва фарқли жихатлари ҳақида ёритилади. Маълумки тилшуносликнинг бу йўналиши, яъни чет тилларни она тили билан чоғиштириш орқали ўрганиш, ўша тилнинг талаффуз қоидаларини ва барча қонун қоидаларини мукамал равишда эгаллашга ёрдам беради.

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад инглиз ва ўзбек адабий тиллари унлиларининг фонологик хусусиятлари асосида уларнинг эквивалентлик даражасини аниқлашдан иборат. Уларнинг талаффуз қоидаларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида инглиз ва ўзбек адабий тилларининг унлилар тизими олинган бўлиб, уларнинг ҳар жихатдан ўхшаш ва фарқли томонларига урғу берилади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, олиб борилган изланишлар натижаларининг назарий аҳамияти ҳар икки адабий тил унлиларининг урғусиз ҳолатда фонологик оппозиция ҳосил қилиш кўлами ҳамда мазкур оппозициялар таснифи тўлиқ ёритилгани, инглиз ва ўзбек адабий тилларида унлиларнинг эквивалентлик даражаси; унлиларнинг потенциал интерференцияси омиллари аниқлангани ушбу тилни ўрганувчиларга оғзаки нутққа ўргатишда, назарий ва амалий фонетика дарсларида, ушбу мавзу юзасидан битирув малакавий ва курс ишлари ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг тузилиши: диссертация уч бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб махсус бўлимлардан ташкил топган. Ҳар бир фойдаланилган адабиёт ёки манбага саҳифа остида изох берилган, иш якунида хулоса берилади.

Илмий рахбар:

С.Солижонов

Магистратура талабаси:

М.Ходжаева

ANNOTATION OF THE DISSERTATION

Actuality of the theme. This master's dissertation is devoted to the issues of phonetic and phonological comparative study of vowel systems of English and Uzbek languages, in which the similarities and differences between the phonetic systems of the two languages are described. It is well known that this aspect of linguistics, the study of foreign languages by comparing them with the mother tongue, helps to master the pronunciation rules of that language and all the rules perfectly.

The aim of the research is to determine the degree of their equivalence on the basis of phonological features of the vowels of English and Uzbek literary languages. To learn their pronunciation rules.

The object of research is the vowel system of English and Uzbek literary languages, with emphasis on their similarities and differences.

The scientific and practical significance of the research results has been indicated by the fact that the scale of the phonological oppositions and their classifications have been revealed completely in both languages; the degree of vowel equivalence and the factors causing the potential interference of vowels in the English and Uzbek literary languages have been described. The practical significance of the research results is that it can be applied to theoretical and practical phonetic classes, in writing final diploma work and course papers on this topic.

Structure of the dissertation – the dissertation consists of the required structure and introduction, 3 chapters, conclusions and the list of used literature.

Supervisor:

S.Solijonov

Student of magistracy:

M.Khodjaeva

КИРИШ

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг босқичма босқич ўз орзу ва мақсадларини рўёбга чиқара бошлади. Мустақиллик барчамизга орзуларимизнинг ушалиш имкониятини тақдим этди. Мустақилликдек буюк неъматга эришганимиздан сўнг юртимизнинг ҳар бир соҳасида ривожлантириш ва модернизация қилиш тез суратларда давом этмоқда, жумладан таълим-тарбия соҳаси бўйича бир қатор муваффақиятли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг олий таълим тизимиغا, уни тубдан такомиллаштиришга, кадрлар тайёрлаш дастурини қайта куриб чиқишга, жаҳон стандартларига мос келадиган малакали ва етук кадрларни тайёрлашга бўлган сай-ҳаракатларини ва эътиборини сезиб турибмиз ва буларнинг барчаси соҳага дахлдор ва масъул мутасаддиларнинг асосий вазифаси эканлини алоҳида таъкидланмоқда. Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлардан келиб чиқиб айта олишимиз мумкинки, буларнинг барчасида асосан, олий таълим ходимлари олдига таълим ва тарбияни юқори даражага кўтарилишини, миллат маънавиятини ва билимдонлигини, таълимнинг инсоний-гуманитар хусусиятлари тўлиқ таъминланишини, замонавий педагогик технологияларнинг жалб этилишини назарда тутди.

Ватанимиз келажаги – ёшлар. Бу шиор бежизга бот-бот такрорланмайди. Халқаро стандартларига мос, маънавий баркамол, билимли ва тарбияли комил инсон даражасида бўлган ёш кадрларни тайёрлаш юртбошимизнинг бугунги кундаги асосий мақсадларидан биридир. Бунга мисол тариқасида, 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясини келтиришимиз мумкин. Унда давлатимизнинг кўплаб соҳаларини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга қаратилган бир нечта устувор йўналишлар таъкидлаб ўтилган бўлиб, уларнинг орасида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш яъни, жисмонан соғлом, рухий ва

интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, олий таълим битирувчиларини ишга жойлаштириш каби муҳим масалалар ҳақида сўз юритилган.

Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобланади. Республикада таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатларни кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратилмоқда.

Мамлакатимизда яратилаётган улкан ислохотлар иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий соҳада улкан ютуқларга олиб келдики, бу ютуқларни ҳаётга татбиқ этишда юқори малакали тилшунос ва таржимонларга ҳам мос равишда вазифалар юклатилмоқда ва мана шундай малакали кадрларга талаб ҳам кучаймоқда.

Мана шундай шароитлардан ва талаблардан келиб чиқиб, ўзбек тили ва чет тилларни жадал ва сифатли ўрганишнинг пухта ва самарали методларини, инновацион ёндашувларни яратиш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, она тилимиз бўлган ўзбек тили билан бошқа чет тилларни чоғиштирган ҳолда ўрганиш ва татбиқ қилиш, ҳозирги кунда долзарб масалага айланган. Она тилини ва чет тилни чоғиштирган ҳолда ўрганиш ўша тилни яна ҳам чуқурроқ ва мукамал ўрганишга асос бўлади.

Қадимдан нутқ товушларига бўлган эътибор ва уни ўрганишга бўлган интилиш мавжуд бўлган. Бу соҳанинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир тилнинг товуш тизими бир-биридан фарқ қилади ва ўзининг хусусиятларига эгадир. Шундай экан, тилшунос олимларимиз томонидан татбиқ қилинган она тилини бошқа чет тиллар билан солишириб ўрганиш уларнинг фарқловчи ва ўхшаш хусусиятларини топишга ва ўша тилни янада мукамалроқ эгаллашга пойдевор бўлади.

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Тилнинг товуш тизимини чоғиштирма аспектда ўрганиш чет тил талаффуз меъёрларини мукаммал ўзлаштиришга замин яратади. Шу боис дунё тилшунослигида товуш соҳасини чоғиштирма тадқиқ қилиш масаласига талаб тобора ортмоқда. Замонавий тилшуносликда унлиларнинг тиллараро эквивалентлик муаммосини илмий тадқиқ қилиш, чоғиштирилаётган тилларда, хусусан, инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг эквивалентлик даражаси юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш зарурати мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида фонетик ярус бирликлари – **нутқ товуши, бўғин, урғу, интонация, сингармонизм** ва уларнинг нутқда вокеланиш хусусиятлари юзасидан артикуляция, акустика, перцептив ҳамда лингвистик жиҳатлар каби устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Унли товушларнинг функционал-лингвистик хусусиятларини илмий ўрганиш уларнинг фонологик мақоми билан бир қаторда позицион кўринишларини ҳам қамраб олади. Унли фонемаларнинг энг кўп учрайдиган позицион кўринишларини тадқиқ этиш ва шу асосда унлиларнинг тиллараро эквивалентлик даражасини аниқлаш инглиз ва ўзбек тилшунослигида ечимини кутаётган масалалардан бири саналади.

Тадқиқот объекти: инглиз ва ўзбек тилларининг вокализм тизими, уларни фонетик ва фонологик жиҳатдан тавсифи ва амалда қўлланилиши. Ўзбек ва инглиз тилининг унли товушлар системасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ва уларни чоғиштирган ҳолда ўрганиш.

Тадқиқот предмети: инглиз ва ўзбек адабий тилларида унли товушларнинг фонетик ва фонологик хусусиятлари асосида уларнинг эквивалентлик даражасини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: инглиз ва ўзбек адабий тилларидаги урғули ва урғусиз унлиларда фонетик ва фонологик изоморфизм ҳамда алломорфизм очиб берилган; чоғиштирилаётган тилларнинг фонологик тизимида **фонологик оппозициялар** билан бир қаторда **маъно фарқловчи**

товуш жуфтликлари ҳам мавжудлиги келтирилган; унлилар нейтрализацияси инглиз тилида парадигматик, ўзбек тилида синтагматик табиатга эга бўлиши асосланган; инглиз ва ўзбек адабий тилларида унли фонемалар ўзаро **ярим эквивалент** эканлиги аниқланган; чоғиштирилаётган тилларда унлилар тизимининг тузилиши, артикуляцион-акустик хусусияти, урғусизлик ҳодисаси, унли фонемаларнинг позицион кўринишлари, унлилар орфографияси ҳамда орфоэпияси каби лингвистик омиллар унли фонемаларнинг потенциал интерференцияси манбайи эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: инглиз ва ўзбек адабий тилларида унлиларнинг урғули, урғусиз ҳолатдаги фонетик хусусиятларини чоғиштирма тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш; мазкур тилларда унлиларнинг урғули ва урғусиз ҳолатдаги фонологик статусини чоғиштириб ўрганиш; инглиз ва ўзбек адабий тилларида унли фонемаларнинг эквивалентлик даражасини ёритиш; чоғиштирилаётган тиллар вокализм тизимида интерференцияга сабаб бўладиган лингвистик омилларни аниқлаш ва уларнинг юзага келиш сабабларини илмий асослаш.

Мавзу бўйича адабиётлар шархи ва таҳлили: Тадқиқотнинг методолгик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.Каримовнинг таълим тўғрисидаги қарор ва фармонлари, “Таълим тўғрисида” ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, таълим тўғрисидаги қарорлар ташкил этади. Фундаментал тадқиқотлар, умумий тилшунослик ва қиёсий типология, хусусан Бодуен де Куртене, А.Абдуазизов, М.Миртожиев, М.Ирискулов, В.Васильев, М.Миртожив, С.Солижонов илмий мақолалари, назарий фонетика ва фонология қўлланмалари, Н.Ражабов автореферати ушбу тадқиқот учун назарий асос булди, ушбу диссертацияни тайёрлашда муҳим рўл ўйнади.

Тадқиқотнинг таҳлил усули: инглиз ва ўзбек адабий тиллари унлиларининг фонетик ва фонологик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқи, инглиз

тили унлилари талаффузини ўрганиш жараёнида интерференцияга сабаб бўладиган лингвистик омилларини таҳлил этиш.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: инглиз ва ўзбек адабий тилининг фонетик ва фонологик системасини назарий ва амалий жихатдан чоғиштирган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда лингводидактика масалалари. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса тил ўрганувчиларга оғзаки нутқини ривожлантиришда тилларнинг товуш тизимини чоғиштирган ҳолда ўрганиш аҳамиятини кўрсатиш.

Тадқиқот ишининг тузилиши: диссертация уч бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб махсус бўлимлардан ташкил топган. Ҳар бир фойдаланилган адабиёт ёки манбага саҳифа остида изох берилган, иш якунида хулоса берилади.

I БОБ. Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси

1.1. Вокализм тизимини тиллараро чоғиштиришнинг назарий асослари

Хозирда дунё тилшунослигида тилларнинг товуш қатламини кенг камровда, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб масалага айланган. Тилларнинг товуш тизимини тавсифий, чоғиштирма(турли хил тилларни бир бирига солиштирган ҳолда), дистрибутив(тилдаги бирликларнинг фонема, морфема каби турли ўринларда ишлатилишини ўрганган ҳолда) методлар асосида ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Тилнинг товуш тизимини чоғиштирган ҳолда ўрганиш чет тил талаффуз меъёрларини мукамал ўзлаштиришга замин яратади. Тилшуносликда унлиларнинг тиллараро мутаносибликда илмий тадқиқ қилиш, бир бирига чоғиштирилаётган тилларда, яъни инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг эквивалентлик даражаси юзасидан бу мавзунинг қай даражада муҳим аҳамият касб этишини англатади.

Замонавий тилшуносликда фонетик қатлам бирликлари – нутқ товуши, бўғин, урғу, интонация, сингармонизм ва уларнинг нутқда юзага келиш хусусиятлари юзасидан артикуляция, акустика, перцептив ҳамда лингвистик жиҳатлар каби устувор йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда.

Чет тил нутқ товушлар тизимини бошқа тиллар билан чоғиштирган ҳолда ўрганиш, уларнинг грамматик, лексик, фонетик ва яна кўплаб томондан чуқурроқ ўрганишга, тушунишга ундайди. Бу усул тилни ўрганишни янада қизиқарли бўлишига, бир чет тилни ва чоғиштирилаётган бошқа тилларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини англашга кенг имконият яратади. Нутқ товушлари, одатда, физиологик (нутқ товушларининг хосил бўлиш ўрни), физик (нутқ товушларининг баландлиги, кучи, тембри, чўзиқлиги), перцептив (эшитиб ҳис этиш) ҳамда лингвистик (сўз шакли ва маъносинитанитувчи ва фарқловчи вазифаси) жиҳатдан ўрганилади. Нутқ товушларининг қайд

этилган тўрт жиҳатга кўра тадқиқ қилиниши фонетиканинг тўртта аспектини фарқлашни тақозо қилади: артикуляцион фонетика, акустик фонетика, перцептив фонетика, функционал фонетика ёки фонология. Фонетиканинг мазкур аспекти ўзаро узвий боғланган бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шундай бўлсада, фонетик бирликларнинг юқорида қайд этилган жиҳатларидан қайси бири илмий ўрганиш мақсади эканидан келиб чиқиб, фонетиканинг аспекти алоҳида тадқиқот объекти бўлиши ҳам мумкин. Фонетиканинг лингвистик аспекти *фонология* термини билан бир қаторда *фонемика*, *фонематика* терминлари билан ҳам юритилади.¹ Фонология фонетик бирликларнинг ижтимоий-лингвистик вазифаси – маъно фарқлаш хусусиятларини ўрганади. Фонетик бирликларнинг сегмент ва суперсегмент турлари фарқланишига кўра, фонология ҳам сегмент ва суперсегмент сатҳларга эга бўлади. Сўз шакли ва маъносини ўзгартиришга хизмат қиладиган энг кичик сегмент бирликлар *фонемалар* деб аталади. Ҳар бир фонема чексиз фонлардан иборат бўлади². Сегментал фонология турли нутқ товушларида воқеланадиган фонемаларни тадқиқ қилади. Суперсегментал фонология *просодика* деб ҳам юритилиб, у суперсегмент бирликлар – бўғин, урғу, ва интонация компонентларининг маъно фарқлаш хусусиятларини ўрганади. Бўғин сўз маъносини фарқлашга хизмат қилса – *силлабема*; урғу сўз маъносини фарқласа – *акцентема*; интонация сўз маъносини ўзгартирса – *интонема* термини билан ифодаланади³. Масалан, *олтин иш* – *олти ниш* бирикмаларида бўғин чегараси, *олма (мева)* – *олма (буйруқ феъли)* сўзларида урғу, *беш / болали йигитча (бешта боласи бор бешта йигит)* – *беш болали / йигитча (бешта боласи бор бир йигит)* бирикмаларида интонациянинг муҳим компонентларидан бири бўлган пауза маъно фарқлашга хизмат қилмоқда. Демак, фонология фонетиканинг соф лингвистик аспекти

¹ Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологиясиваморфонологияси. 2-нашр. – Тошкент, 2010. – Б. 17

² Джуманова Д.Р. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели: Филол. фан. д-ри. ... автореферати. –Т., 2016. – Б. 15.

³ Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологиясиваморфонологияси. 2-нашр. – Тошкент, 2010. – Б. 17

сифатида фонетик бирликларнинг тилдаги фонологик вазифаларини тадқиқ қилади. Фонема тушунчасига биринчи мартта рус олими Бодуэн де Куртене асос солган бўлиб унинг ғоялари асосида тилшуносликда бир қатор фонологик мактаблар юзага келди. У биринчи мартта дунё тилшунослигида фонетика бўлимини икки тармоққа ажратган бўлиб, улар : антропофоника (товушларни физиологик ва акустик жихатдан ўрганадиган бўлим) ва психофонетика (одам психикасидаги товушлар тушунчасини ўрганувчи бўлим яъни фонемалар). Кейинчалик эса мана шу тармоқлар фонетика ва фонология тушунчаларини юзага келтирди. Ўз даврида унинг каби кўплаб тилшунос олимлар бу соҳага ўзларининг улкан хиссаларини қўшдилар, Л.Зиндер(С.Петербург),Н.Трубецкой(Прага),Д.Жоунз(Лондон),Л.Блумфилд(Америка) шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири фонемани тил бирлиги сифатида тан олади, лекин турлича талқин қилади. Мана шу олимларнинг бир қанча тадқиқот ишлари ва уларнинг натижалари ҳамда фонология бўлимини ривожига катта хисса қўшган дунё мактаблари тўғрисида қуйидаги бўлимларда кенг ёритилади.

Фонология тилнинг товуш тизими билан боғлиқдир. Биз ушбу атамадан умумий фонология назарияси ва дунё тилларининг тахлилига мурожаат қилиш учун фойдаланишимиз мумкин.Фонологияга булган изланишлар унинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, жуда кўплаб олимларнинг эътиборини торган. Фонологияга бўлган дастлабки изланишлар ўзида морфология, синтаксис ва фонологияга оид маълумотларни ўзида мужассам этган Панинининг Санскрит грамматикасида (мил.авв. III асрда) ўз ифодасини топган. Бундан ташқари қадимги Юнон ва Рим олимлари ҳам мана шу мавзуда изланишлар олиб боришган. Биринчи ўринда биз Америка структурал фонологияси (Structuralist phonology) ҳақида сўз юритамиз. Унинг иккинчи номи таксономик фонемика деб ҳам юритилади. Фонологиянинг бу бўлими бир-бирига қарама-қарши товуш бирликларини сегментация ва гапларнинг фонетик транскрипциясини таснифлаш асосида аниқлашга хизмат қилади. Сегментация бу товуш занжирларининг бошқа бўлақларга

бўлинмайдиган энг кичик бирликларининг бўлинишидир. Уларни таснифлаш яъни классификация қилиш эса фонетик сегментларни шу тарзда гуруҳларга ажратиш демакдир. XX аср бошларида фонология алоҳида фан бўлиб ажралиб чиққан, охирига келиб эса компьютер технологиялари ва когнитив ёндашув ривожлангани сари фонология ва фонетиканинг таркибидаги асосий йўналишга айланди.

Юқорида таъкидланганидек, фонема тушунчасига биринчи бўлиб Бодуен де Куртене асос солгандир. Унинг фонема ҳақидаги изланишлари ўша пайтларда “психологик” деб таъриф беришган, ҳозирда эса бу таърифни “когнитив” деб ўзгартиришган. Америка структурализмининг фонологик теориясида фонема “ажралиб турадиган хусусиятлар тўплами” деб тасвирланган, унинг қолган хусусиятлари ортиқча ҳисобланган. Фонетика ва фонологиянинг юқори даражаси Европада швецар олими Ф.Соссюрнинг ғоялари юксак баҳоланаётган пайтида юзага кела бошлади. Шу нарса аниқ бўлдики, товушлар фонетик бирликлар ҳисобланиб улар нутқга тегишлидир, фонемалар эса абстракт бирликлар ҳисобланиб улар тилга тегишлидир. Бу тушунчани Даниялик олим Л.Ельмслев ҳам илгари сурган. Бу вақтда Англияда “Ингиз тили фонетикаси” Даниел Джоунз ҳам фанда кўзга кўринарли янгиликларни киритаётган эди. Ўзининг вақтида Джоунзга умумлаштирилган фонема тушунчасининг физик томонини бўрттириб ифодалаган деган айбловлар кўйилган. Лекин ҳозирги замонда унинг ғоялари ҳақиқатга яқинлиги ҳозирги замон тушунчасига тўғри келади. Когнитив тилшуносликда инсоннинг билишининг бошқа барча категориялари билан бир қаторда ақлий тузилмалар каби тил категориялари ҳам кўриб чиқилади. Семантик жиҳатдан, ушбу категориялар прототиплар ёки яхшироқ намуналар атрофида ҳосил бўлади. Категория турлари "оилавий ўхшашликка" эга. Категория турлари ўзгарувчандир. Категориялар ноаниқ чегараларга эга бўлиши мумкин. Фонема – фонетик жиҳатдан ўхшаш товушлар категорияси бўлиб, аллофонлар яъни марказий ва марказий бўлмаган қатламлари бўлиб, улар битта ва бир хил товуш сифатида қабул қилиниши билан жамланади.

Фонеманинг товуш тури сифатидаги физик томони, Москва фонология мактаби томонидан тарифланганидек, фонеманинг хусусиятларига ҳам киритилган.⁴

Тарихдан кўриниб турибдики, фонетика ва фонология тушунчаларининг ўзаро муносабатининг ривожланиши, уларнинг инсон нутқида намоён бўлишининг ўрганилиши шартли равишда ажратилгандир. Фонемани “психик образ” деб ҳисобласак, ёки замонавий қоидаларга асосланиб “ақлий намоён бўлиш” деб, реал жаранглаётган товушларни эса – фонеманинг шакллари (аллофонлар) деб атасак, унда бир тилнинг барча фонемаларини тасвирлаш учун унинг таркибига кирувчи ва фарқловчи бегиларига ажратишимиз лозим бўлади.

Инглиз тилида унлиларнинг фонологик хусусиятлари ўзига хос бўлиб, унга кўра тилнинг кўтарилиш белгиси, қатор белгиси ҳамда унлиларнинг сифат ва миқдор белгилари фонологик фарқловчи белги ҳисобланади. В.Васильев бир йўла нечта фонологик белги билан фарқлана олишига кўраинглиз тилидаги унлилар оппозицияларини қуйидагича тасниф қилади:

- а) бир фонологик белги билан фарқланувчи (битталиқ) оппозиция;
- б) икки фонологик белги билан фарқланувчи (иккиталиқ) оппозиция;
- в) иккидан ортиқ фонологик белги билан фарқланувчи кўплиқ оппозиция⁵.

Ўзбек тили вокализм тизими ўзининг тарихий тараққиёти жараёнидасаккизтадан ўнтагача унли фонемага эга бўлган⁶. Мазкур фонемаларнинг тарихан чўзиқ ва қисқа вариантлари мавжуд бўлганлигини⁷ ҳисобга олсак, уларнинг сони қарийб йигирматагача бўлган. Бу ҳолат ўзбек тили вокализм тизими тарихан мураккаб тузилиш касб этганидан далолат беради. Бугунги кунга келиб, ўзбек тили унлилар тизими сифат ва миқдор

⁴Шевченко.Т.И “Фонетика и фонология английского языка” 2017. Б 5-6

⁵Vassilyev V.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Moscow: High School Publ. House, 1970. – P. 180.

⁶МахмудовҚ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: Ижоднашр., 2006. – Б. 45.

⁷Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68.

жихатдан анча соддалашди. Ҳозирги ўзбек адабий тили унлилар тизимида олти унли фонема мавжуд бўлиб (/л, о, е, и, у, о'/), улар миқдор белгисига (чўзиқ-қисқа)кўра ўрта чўзиқликдаги, яъни чўзиқ ҳам, қисқа ҳам бўлмаган товушлар ҳисобланади. Ўзбек тилининг тарихий тараққиётида сингармонизм ходисасининг йемирилиши билан унлиларнинг чўзиқ ва қисқа кўринишлари умумийлашиб, ўрта чўзиқликдаги фонема юзага келган⁸. Сингармонизм⁹ сақланган туркий тилларда кўшимча морфемаларнинг фонологик тузилиши ўзак морфемаларнинг фонологик тузилишига боғлиқ бўлиши, сўзнинг фонетик ядроси сўз бошида жойлашишини тақозо қилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм ходисаси сақланмаганлиги туфайли ўзак ва кўшимча морфемаларнинг фонетик тузилиши асосан урғуга боғлиқ бўлиб, бунда сўзнинг фонетик ядроси (фонетик жихатдан асосий қисми) сўзнинг охириги урғули бўғини ҳисобланади¹⁰

Шу ўринда, сингармонизм ходисасига кенгроқ таъриф бериб кетиш жоиз бўлади. Сингармонизм сўздаги унлиларнинг маълум нуқтаи назардан бир хиллашиши, у ҳақида Н.К.Дмитриев “Товушлар ассимиляциясининг кўринишларидан биридир” деб изоҳлаган эди. У туркий тилларнинг ўзига хос қонуниятларидан ҳисобланиб, туркий тилларнинг деярли барчасида ўз аксини топган.¹¹ Сингармонизм ходисаси икки типга бўлинади:

- Палатал сингармонизм
- Лабиал сингармонизм

Палатал сингармонизм – танглай ёки лингвал сингармонизм деб ҳам аталади. Ўзбек тилида унлилар шаклланишига кўра ва талаффузда танглайга

⁸Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68.

⁹Сингармонизм сўзи грек тилидан олинган бўлиб, *товуш уйғунлиги* деган маънони билдиради [Большой энциклопедический словарь языковедения. 3-изд. – М.: Бол. Рос-я энцик-я, 1998. – С. 445].

¹⁰Махмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. –Т., 1980. – С. 7.

¹¹М.Миртожиев. “Ўзбек тили фонетикаси” Тошкент-2013. Б-294

яқинлашувига кўра олд қатор унлилар ва орқа қатор унлиларга бўлинади. Агар бир бўғинда фақат олд қатор унли келса, кейинги ўринда ҳам олд қатор унлилар келади, ёки аксинча.

Олд қатор унлиларга: и, е, а унлилари киради.

Орқа қатор унлиларга эса : у, ў, о унлилари киради.

Лабил сингармонизм – унлилар уйғунлашувининг ланган унлилар доирасида хосил бўлишидир.

1.1. Вокализм тизимини тиллараро чоғиштиришнинг назарий асослари

Вокализм лотинча “vocalic – унли товуш” сўзидан олинган бўлиб, тилдаги унли товушларнинг тизимини ифодалайди.¹² Инглиз тилида фонетик тузилишига қараб бир-биридан фарқ қилувчи 10 та монофтонг ([ɪ, ɛ, æ, ɑː, əː, ʊ, ʌ, ɜː, ə]), иккита дифтонгоид ([iː], [uː]), саккизта дифтонг мавжуд. Мазкур тилда дифтонглар марказий ([iə, eə, uə]) ҳамда тушувчи ([eɪ, aɪ, əɪ, aʊ, əʊ]) турларга ажратилади¹³.

Мисол учун:

[iː] ва [ɪ]

Eel – ill [i:l] - [ɪl]

Keep – kip [ki:p] - [kɪp]

Seek – sick [si:k] - [sɪk]

'Teaspoon – 'tissue [ti:spu:n] - [tɪʃu:] сўзларида икки унли товушларнинг турлича талаффуз этилишидаги фарқ кўрсатилмоқда.

[ɑː] ва [ʌ]

Bard – bud [bɑ:rd] - [bʌd]

Calm – come [kɑ:m] - [kʌm]

Fast – fussed [fa:st] - [fʌst]

Lark – luck [lɑ:k] - [lʌk]

[uː],[ʊ], [juː]

Food – foot [fu:d] - [fʊt]

Suit – soot [su:t] - [sʊt]

'Booster – 'bosom [bu:stə] - [bʊzəm]

'Rudeness – 'goodness [ru:dnɪs] - [gʊdnɪs]

'Cucumber – 'cookery [kju:kʌmbə] - [kʊkəri]

¹²Раджабов Н.Н. Инглиз ва Ўзбек тилларида вокализм системасининг фонологик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқи: Филология фан. Д-ри ... Автореферати Т-2018 – Б. 11.

¹³Maksumov A.G. English Phonetics. – Tashkent, 2016. – Б. 142.

Ўзбек тили вокализм тизими ўзининг тарихий тараққиёти жараёнида саккизтадан ўнтагача унли фонемага эга бўлган¹⁴. Мазкур фонемаларнинг тарихан чўзиқ ва қисқа вариантлари мавжуд бўлганлигини¹⁵ ҳисобга олсак, уларнинг сони қарийб йигирматача бўлган. Бухолат ўзбек тили вокализм тизими тарихан мураккаб тузилиш касб этганидан далолат беради. Бугунги кунга келиб, ўзбек тили унлилар тизими сифат ва миқдор жиҳатдан анча содалашди. Ҳозирги ўзбек адабий тили унлилар тизимида олти унли фонема мавжуд бўлиб (/л, в, е, и, о, о'), улар миқдор белгисига (чўзиқ-қисқа) кўра ўрта чўзиқликдаги, яъни чўзиқ ҳам, қисқа ҳам бўлмаган товушлар ҳисобланади. Ўзбек тилининг тарихий тараққиётида сингармонизм ҳодиса-Синингемирилиши билан унлиларнинг чўзиқ ва қисқа кўринишлари умумийлашиб, ўрта чўзиқликдаги фонема юзага келган¹⁶. Сингармонизм¹⁷ сақланган туркий тилларда кўшимча морфемаларнинг фонологик тузилиши ўзак морфемаларнинг фонологик тузилишига боғлиқ бўлиши, сўзнинг фонетик ядроси сўзбошида жойлашишини тақозо қилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм ҳодисаси сақланмаганлиги туфайли ўзак ва кўшимча морфемаларнинг фонетик тузилиши асосан **урғуга** боғлиқ бўлиб, бунда сўзнинг фонетик ядроси (фонетик жиҳатдан асосий қисми) сўзнинг охириги урғули бўғини ҳисобланади¹⁸.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги унли фонемалар, уларнинг позицион кўринишлари ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларни аниқлаш учун

¹⁴Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: Ижоднашр., 2006. – Б. 45.

¹⁵Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68

¹⁶Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68.

¹⁷Сингармонизм сўзи грек тилидан олинган бўлиб, *товуш уйғунлиги* деган маънони билдиради [Большой энциклопедический словарь языковедения. 3-изд. – М.: Бол. Рос-я энцикл-я, 1998. – С. 445].

¹⁸Маҳмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Т., 1980. – С. 7.

мазкур тиллар вокализм тизимини акустик ва орфографик жиҳатдан ўхшашлигига кўра қуйидаги кичик гуруҳларга ажратиш лозим бўлади:

- а) чоғиштирилаётган тилларда акустик ва орфографик жиҳатдан қисман мос келадиган унли фонемалар: /i/, /e/, /o/, /u/. Улар ёзувда ўзбек тилида бир ҳарф билан, инглиз тилида бир нечта ҳарф ва ҳарф бирикмалари билан ифодаланади;
- б) чоғиштирилаётган тилларда акустик жиҳатдан қисман мос келсада, орфографик жиҳатдан мос келмайдиган унли фонемалар: /ʌ/. У ёзувда чоғиштирилаётган тилларда бошқа-бошқа ҳарфлар билан ифодаланади;
- в) чоғиштирилаётган тилларда орфографик жиҳатдан қисман мос келса-да, акустик жиҳатдан мос келмайдиган унли фонемалар: ўзбек тилидаги /ʌ/ билан инглиз тилидаги /æ/ товушлари бунга мисол бўлади;
- г) чоғиштирилаётган тилларда акустик жиҳатдан ҳам, орфографик жиҳатдан ҳам мос келмайдиган унлилар. Бундай фонемалар фақат бир тилда мавжуд бўлиб, иккинчи тилда мавжуд бўлмаслиги билан аҳамиятлидир. Масалан, ўзбек тилидаги /o/ унли фонемаси инглиз тилида, инглиз тилидаги /ɑ:/, /ɔ:/, /z:/, /ə/, /i:/, /u:/, /ei/, /ai/, /ɔi/, /aʊ/, /əʊ/, /iə/, /eə/, /ʊə/ унли фонемалари ўзбек тилида мавжуд эмас.¹⁹

¹⁹Раджабов Н.Н. Инглиз ва Ўзбек тилларида вокализм системасининг фонологик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқи: Филология фан. Д-ри ... Автореферати Т-2018 – Б. 11

1.2. Тилнинг товуш қурилиши: сегмент ва суперсегмент бирликлар

Фонетика грекча “fone” – товуш, “tika” – фан, яъни нутқ товуши ҳақидаги фан деган маънони ифодалаб, нутқ товушларининг артикуляцияси, акустикаси, кишилар томонидан эшитиб ҳис қилиниши ва лингвистик жиҳатларини ўрганади. Шунингдек, тилнинг бўғин тузилиши, урғу турлари ва интонация қисмларини тадқиқ қилиш ҳам фонетиканинг ўрганиш объектига киради.

Юқорида таъкидланганидек, нутқ товушлари одатда физиологик (нутқ товушларининг ҳосил бўлиш ўрни), физик (нутқ товушларининг баландлиги, кучи, тембри, чўзиқлиги), перцептив (эшитиб ҳис этиш) ва лингвистик (сўз шакли ва маъносини танитувчи ва фарқловчи вазифаси) жиҳатдан ўрганилади. Нутқ товушларининг қайд этилган тўрт жиҳатга кўра тадқиқ қилиниши фонетиканинг тўртта аспектини фарқлашни тақозо қилади: артикуляцион фонетика, акустик фонетика, перцептив фонетика, функционал фонетика ёки фонология. Фонетиканинг мазкур аспекти ўзаро узвий боғланган бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Фонетик бирликларнинг сегмент ва суперсегмент турлари фарқланишига кўра, фонология ҳам сегмент ва суперсегмент сатҳларга эга бўлади. Сўз шакли ва маъносини ўзгартиришга хизмат қиладиган энг кичик сегмент бирликлар *фонемалар* деб аталади. Ҳар бир фонема чексиз фонлардан иборат бўлади. Сегментал фонология турли нутқ товушларида воқеланадиган фонемаларни тадқиқ қилади. А. Абдуазизовнинг фикрича, фонемика атамаси фонемага тегишли бўлгани учун сегментал фонологияни фонемика деб аташ қулай ҳисобланади. Фонетик бирликларнинг услубий вазифаларини ўрганиш билан махсус фан – *фоностилистика* шуғулланади. Фонетиканинг лингвистик аспекти бўлган фонология тилшуносликда фан сифатида икки хил талқин қилинади: биринчи талқин Н.Трубецкой томонидан илгари сурилган бўлиб, унга кўра тилнинг товуш соҳаси иккита мустақил фан доирасида ўрганилади. Улар фонетика ва фонологиядир. Фонетика нутқ

товушларини, фонология эса тил товушларини тадқиқ қилади. Нутқ товушларининг артикуляцион-акустик хусусиятлари каби аниқ ходисаларни ўргангани учун фонетика табиий фанлар методларига асосланади. Фонология эса тил товушларини, уларнинг ижтимоий вазифасини тадқиқ қилиши туфайли лингвистик методларга таянади .

Иккинчи талқинга кўра, фонетика ва фонологияга бир-биридан алоҳида мустақил фан сифатида қараш ноўрин ҳисобланади. Л.Щерба фонологияни фонетикадан ажратиб бўлмаслигини таъкидлар экан, ўз фикрини тилдаги бирон бир бирликнинг фонетик жиҳатларини ҳисобга олмай туриб, унинг лингвистик (фонологик) хусусиятларини очиб беришнинг имкони йўқлиги билан изоҳлайди. Л.Зиндер ҳам фонетика ва фонологияни бир фан сифатида талқин этади. Унингча, фонетика нутқ товушларининг акустик-артикуляцион хусусиятлари билан бир қаторда, уларнинг айнан лингвистик жиҳатини ҳам тадқиқ қилиши билан акустика ва физиология каби аниқ фанлардан фарқ қилади. Л.Зиндер муайян вазиятдагина тадқиқотчининг диққати нутқ товушларининг маълум бир аспектига қаратилиши мумкинлигини, бунда уларнинг акустик-физиологик хусусиятлари лингвистик хусусиятларидан алоҳида тарзда ёки аксинча, нутқ товушларининг лингвистик жиҳатлари уларнинг артикуляцион-акустик хусусиятларидан алоҳида ҳолда ўрганилиши мумкинлигини қайд этади, лекин фонетика ва фонологияни тўлиқ иккига ажратиб юбориш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди. В.Васильевнинг гувоҳлик беришича, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида С.Шаумяндан ташқари ҳеч бир тилшунос олим фонологияни фонетикадан ажратиш фикрини қўллаб-қувватламайди. Жумладан, А.Абдуазизов ҳам фонетика ва фонологияни ўзаро узвий алоқадор эканлигини айтиб, экспериментал-фонетик изланишлар фонологик таҳлил учун асос бўлишини, уларни бир-биридан ажратиш нутқ товушларини экспериментал (спектрографик, соматик ва ҳ.к.) методлар ёрдамида аниқ ва тўлиқ текширишнинг қимматини йўққа чиқаришини таъкидлайди. Бизнингча ҳам, фонологияни фонетикадан узиб олиб, уларга алоҳида-алоҳида мустақил

22

фан сифатида қараш маъқул фикр эмас. Фонология нутқ товушларини тадқиқ қилишда фонетикага бевосита боғлиқ бўлади. Зеро, нутқ товушларининг лингвистик жиҳатини тадқиқ қилиш, уларнинг фонетик хусусиятларини четлаб ўта олмайди. Чунки, фонемаларнинг фарқланиш белгилари уларнинг артикуляцион-акустик хусусиятларидан келиб чиқади. Ўз ўрнида фонетика ҳам нутқ товушларининг фақат артикуляцион-акустик жиҳатларини ўрганиш билан чекланиб қола олмайди. Чунки, нутқ товушларининг айнан лингвистик хусусиятлари фонетикани тилшунослик билан боғлайди. Акс ҳолда, фонетика тилшуносликдан узилиб қолиб, тилга доир фан сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Фонетика нутқ товушларининг лингвистик томонини ҳам қамраб олар экан, демак фонология фонетиканинг айнан ўзи, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ўрганиш соҳасининг умумий эканлиги ҳам фонетика ва фонология бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигини тақозо қилади. Уларнинг узвий алоқадор эканлигини ҳар иккисининг ҳам бир соҳани ўрганиши ва бу жараёнда бир хил атамалардан фойдаланиши ҳам изоҳлайди. Масалан, унлиларнинг “лабланган-лабланмаган” атамаси фонетика ва фонология учун умумий атама ҳисобланади. Фонетик нуқтаи-назардан “лабланган-лабланмаган” атамаси нутқ товушларининг ҳосил бўлиш ўрнини кўрсатса, фонологик нуқтаи-назардан “лабланган-лабланмаган” атамаси фонемаларнинг фарқланиш белгисини ифода қилади. Бошқача айтганда, фонетика ва фонология бир танганинг икки томонига ўхшайди. Тилшуносликда шу “танга” тилнинг товуш соҳаси ҳисобланади. Танганинг икки томонини бир-биридан ажратиш унинг қийматини йўққа чиқаради. Шундай экан, фонетика ва фонологияни бир-биридан ажратмасдан, уларни бир объектнинг қуйи ва юқори босқичлари сифатида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйи босқичда нутқ товушларининг артикуляцион-акустик ва перцептив (фонетик) хусусиятлари, юқори босқичда эса уларнинг лингвистик (фонологик) жиҳатлари ўрганилади.²⁰

²⁰ С. Солижонов «Илмий мақолалар»

Нутқ фонетик, лексик ва грамматик қатламлардан иборат бўлиб, ҳар бир қатлам ўзининг мақсад ва вазифаларига кўра уни таркибий қисмларга бўлиб ўрганилади. Нутқнинг бундай бўлинишига сегментация (инглизча “segmentation - ажратиш, бўлиниш”) дейилади. Бўлинган ҳар бир нутқ бўлаги эса сегмент деб аталади. Фонетик нуктаи назардан нутқ фраза, такт, бўғин ва товушларга бўлинади. Фраза нутқнинг икки томондан пауза билан ажратилган энг катта фонетик бўлагидир. Маълумки, оғзаки нутқ ҳосил бўлиши учун ҳаво оқими асосий омил ҳисобланади. Ҳаво оқимининг нутқ органлари орқали ўз вақтида ўтиши навбатдаги нутқ бўлақларининг ифодаланишига замин яратади. Нутқ жараёнида ҳар бир фразани пауза билан ажратилиши сўзловчининг навбатдаги фразани талаффуз қилиши учун зарур бўлган нафасни олиб олишига имкон яратади. Фразалар бир-бирига интонация воситасида уланади. Ҳар бир фразанинг интонацияси мулоқот мақсадига боғлиқ равишда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Мисол учун “Қуёш тик келган.(Ойбек) Гулнор чолнинг чиқиб кетишини кутиб, деворга қисилган холда турди.(Ойбек) Шипи паст деворлари юпқа, торгина дўконхона, ҳар вақтдагидек ивирсиқ.(Ойбек)”²¹ Биринчи гапда битта, иккинчи гапда эса иккита фраза мавжуд. Учинчи гапда эса нечта фраза борлигини билиш қийин. Гапда фразанинг миқдорини аниқлаш кўпинча субъективдир. Бу гапирувчи нутқининг равонлиги ва тезлигига боғлиқ. Учинчи гапни тез гапирувчилар иккита фразага ажратишлари мумкин, секин гапирувчилар эса тўрттага.

Шипи паст деворлари юпқа, торгина дўконхона // ҳар вақтдагидек ивирсиқ.

Шипи паст // деворлари юпқа //, торгина дўконхона, // ҳар вақтдагидек ивирсиқ.

Фраза ўз навбатида тактларга бўлинади. Фраза таркибидаги бир урғу билан айтиладиган бир ёки бир нечта бўғинлар йиғиндиси такт деб аталади. Такт икки томондан кичик пауза билан ажратилади. Ҳар бир фразанинг нечта

²¹ М.Ирискулов «Тилшуносликка кириш» Тошкент-1992

тактдан иборат бўлиши фраза таркибида иштирок этаётган урғу сонига боғлиқ бўлади. Агар фраза таркибидаги бўғинлар бир урғу ёрдамида бириккан бўлса, бундай фраза битта тактдан ташкил топган бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *It's late* [*Its 'leit*] фразасида мавжуд учта бўғиндан биттаси урғу олганлиги сабабли бу фраза битта тактдан иборат бўлади. Агар фраза таркибидаги урғулар сони иккита ёки ундан ортиқ бўлса, такт сони ҳам унга боғлиқ ҳолда иккита ёки ундан ортиқ бўлади. Юқорида келтирилган фразадаги *late* [*leit*] сўзидан сўнг *evening* [*'i:vniŋ*] сўзи қўшилса, мазкур фраза ўзининг таркибидаги урғулар сонига кўра иккита тактдан иборат бўлади: *It's late evening* [*Its 'leit 'i:vniŋ*]. Бундан кўриниб турибдики, инглиз тилида урғу бир гапда бир нечта сўзларга тушиши мумкин экан.

Тактлар ўз навбатида бўғинларга бўлинади. Бўғин ҳам нутқ бўлаги бўлиб, бир ҳаво зарби билан айтиладиган бир ёки бир нечта товушлар йиғиндисидир. Бўғин ҳосил бўлишида унлилар ундошларга нисбатан етакчи ҳисобланади. Шундай бўлса-да, баъзи тилларда, хусусан инглиз тилида сўзларни бўғинга ажратишда унли товушлар сони билан бир қаторда, сонор товушлар ҳам ҳисобга олинади: *cattle* [*'kætl*]. Бўғинлар қайси товушлар билан бошланиши ёки тугашига қараб, бир нечта турларга бўлинади. Агар бўғин унли товуш билан тугаса, очик бўғин (*ло-ла, бо-ла*); ундош товуш билан тугаса, ёпиқ бўғин (*ар-қон, боғ-бон*); унли товуш билан бошланса, беркитилмаган бўғин (*о-ли-ма, аф-со-на*); ундош товуш билан бошланса, беркитилган бўғин (*боғ-ча, кул-ча*) саналади. Бу борада А. Абдуазизов сонор товуш билан тугаган бўғинни ярим очик бўғин деб таърифлайди.

Бўғинлар ўз навбатида нутқ товушларига бўлинади. Бу ҳақида профессор М.Миртожиев қуйидагиларни келтириб ўтади. Фонетиканинг силлабика деб аталувчи қисмида бўғин, бўғин хажми, хажмининг тузилиши, бўғин типлари ва ёндош ходисалари билан муносабати ҳақида баҳс юритилади. Бўғин ҳақида тилшуносликда фикр юритилар экан, уни асосан, нутқнинг энг кичик бўлаги деб қайд этилади. Нутқ эса ҳамма вақт ўз семантикасига ва ўз шаклига эга. Нутқнинг шаклий томони иккита: 1)

грамматик шаклий томони 2) талаффуз нуктаи назардан шакли. Нутқнинг грамматик томондан шакли эътиборда тутилса, унинг энг кичик бўлаги морфема шакли бўлади. Унинг талаффузи нуктаи назардан энг кичик бўлаги, айтилганидек бўғиндир.²² Нутқ товушлари эса ўзидан бошқа бўлақларга бўлинмайдиган, нутқнинг энг кичик бирлиги ҳисобланади. Нутқда фонетик бўлақлар алоҳида-алоҳида эмас, ўзаро занжирсимон боғланиб воқеланади. Уларни бир-бирига уловчи воситалар суперсегмент birlikлар деб аталади. Суперсегмент birlikларни ифодаловчи воситалар тилшуносликда турлича талқин қилинади. М.Матусевич, В.Кодухов каби тилшунослар суперсегмент воситаларни урғу ва интонациядан иборат деб талқин қилишади. Луғавий маъносига кўра *суперсегмент* сўзи сегмент birlikлардан катта бўлган фонологик элементлар бўлиб, уларнинг энг машхурлари урғу ва тон (оҳанг, интонация) ҳисобланади ва улар сегмент birlikлар билан бирга воқеланади. Келтирилган таърифда суперсегмент birlikларнинг энг кўп учрайдиган тури сифатида урғу ва интонациянинг кўрсатилиши суперсегмент элементларнинг бошқа турлари ҳам мавжудлигига ишора қилади. Суперсегмент воситалар тилнинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб, баъзи тилларда урғу ва интонациядан бошқа турларига ҳам эга бўлиши мумкин. М.Джусупов томонидан амалга оширилган рус ва қозоқ тилларининг товуш системасига доир тадқиқотда суперсегмент воситаларнинг урғу ва интонациядан бошқа турлари ҳам мавжудлиги исботланган бўлиб, унда сингармонизм ҳодисаси суперсегмент восита сифатида тадқиқ қилинган. М.Джусупов суперсегмент воситаларнинг қайси бири асосий белгиси эканлигига кўра дунё тилларини қуйидагича тасниф қилади: 1) урғули тиллар (акцентные: ҳинд-европа, семит ва баъзи бошқа тиллар), 2) оҳангдор тиллар (тональные: жанубий-шарқий Осиё тиллари), 3) сингармонизмли (сингармонические: кўпчилик туркий ва бошқа урал-олтой тиллари) тиллар. Шунингдек, у мазкур тадқиқотда урғу ва интонация тилларнинг суперсегмент элементи сифатида чуқур тадқиқ

²²М.Миртожиев “Ўзбек тили фонологияси” Тошкент -2013 Б-131

килинганини, сингармонизмли тиллар эса асосий суперсегмент белгиси сингармонизм сифатида ҳар томонлама тўлиқ тадқиқ қилинмаганлигини таъкидлайди. Демак, сингармонизм ҳам суперсегмент восита ҳисобланади ва у тўлиқ сақланган тиллар асосий суперсегмент белгиси сингармонизм сифатида тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Тарихан ўзбек тили учун аҳамиятли бўлган сингармонизм ҳозирги адабий тилда сақланмаганлиги туфайли, ўзбек тилида асосий суперсегмент белги урғу ҳисобланади. Шунга кўра, ўзбек тили юқоридаги таснифнинг биринчи гуруҳидан жой олади. Кўпчилик тадқиқотларда суперсегмент воситалар қаторига бўғин ҳам киритилади. Бу ҳам ўзининг назарий асосига эга. Чунки, суперсегмент воситалар сегмент бирликлардан ташқарида содир бўла олмайди. Бизнингча, нутқ бўлақларининг кетма-кет уланиб, маънодор бирликларни ҳосил қилишида урғу, интонация ва сингармонизмнинг (сингармонизм муҳим бўлган кўпгина туркий ва урал-олтой тиллари учун) иштирок этиши ёки иштирок этмаслигидан келиб чиққан ҳолда суперсегмент бирликларни аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун аввало нутқ бўлақларини фонетик жиҳатдан ўзидан бошқа бўлақларга бўлиниши ёки бўлинмаслигига кўра кичик ва йирик сегмент бирликларга ажратиб олиш лозим. Ўзидан бошқа бўлақларга бўлинмайдиган нутқ бўлаги кичик сегмент бирликлар дейилади. Уларга нутқ товушлари киради. Ўзидан бошқа бўлақларга бўлинадиган нутқ бўлақлари кичик сегмент бирликка нисбатан йирик сегмент бирликлар деб аталади ва уларга бўғин, такт, фраза киради. Кичик сегмент бирликлар бўлган нутқ товушларининг бўғин (тартиб бўйича ўзидан кейинги бирликни) ҳосил қилиши учун кетма-кет уланишида урғу ва интонациянинг (сингармонизмли тилларда сингармонизмнинг) иштироки муҳим эмас. Йирик сегмент бирликлар – бўғин, такт ва фразаларнинг нутқ ҳосил қилиш учун кетма-кет уланишида эса урғу ва интонациянинг (сингармонизмли тилларда сингармонизмнинг) иштирок этиши муҳим ҳисобланади. Чунки урғу ва интонация моҳиятига кўра нутқ ҳосил бўлишида йирик сегмент бирликларни бир-бирига улаш вазифасини бажаради ва

шунинг учун улар нутқда доим йирик сегмент бирликлар (бўғин, такт ва фраза) билан бирга воқеланади. Ўз навбатида йирик сегмент бирликлар (бўғин, такт ва фраза) ҳам нутқни ифодалашда урғу ва интонациядан холи равишда мавжуд бўла олмайди. Урғу ва интонациянинг иштирокисиз мавжуд бўлган йирик сегмент бирликлар (бўғин, такт ва фраза) нутқни яхлит ҳолда эмас, қисмларга ажратилган ҳолда ифодалайди. Йирик сегмент бирликларнинг (бўғин, такт ва фраза) ўзаро уланмасдан, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши нутқ ҳосил қилиш учун етарли бўлмайди. Демак, нутқ ҳосил бўлиши учун урғу ва интонацияни йирик сегмент бирликлардан; йирик сегмент бирликларни эса урғу ва интонациядан алоҳида тасаввур этиб бўлмайди. Йирик сегмент бўлақларни ўзаро уловчи воситалар урғу ва интонация (сингармонизмли тилларда сингармонизм) нутқда йирик сегмент бирликлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келади. Яъни суперсегмент воситалар йирик сегмент бирликлар устига жойлашиб, нутқнинг оҳангдорлигини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, йирик сегмент бирликлар (бўғин, такт ва фраза) нутқда урғу ва интонация (сингармонизмли тилларда сингармонизм) билан бир бутунликни ташкил қилади. Шундай экан, йирик сегмент бирликлар – бўғин, такт ва фразаларни уларни уловчи воситалар – урғу, интонация ва сингармонизм билан биргаликда *суперсегмент бирликлар* деб; кичик сегмент бирлик бўлган нутқ товушларини эса шунчаки *сегмент бирликлар* деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

Нутқнинг қайси сегмент бирликларини ўрганишига қараб фонетика сегментал фонетика ёки суперсегментал фонетика номи билан ҳам юритилади. Бу ҳақда профессор А.Абдуазизов шундай дейди: “Агар фонетика нутқ товушларининг ҳосил бўлиши ва уларнинг хусусиятларини ўрганса, у сегментал фонетика (“segment” сўзи нутқ бўлаги маъносини англатади) дейилади. Фонетика нутқ товушларидан катта бирликларни, яъни бўғин, сўз ва фразаларни ўрганиш билан иш тутса, у суперсегментал фонетика ёки просодика деб аталади” . Демак, суперсегментал фонетика ёки

просодика суперсегмент воситалар ҳисобланган урғу ва интонацияни шунингдек, йирик сегмент бирликлар – бўғин, такт ва фразаларни ҳам тадқиқ қилади. Сегментал фонетика эса кичик сегмент бирликлар бўлган нутқ товушларини ўрганади.

Морфемаларнинг, сўзларнинг ва гапларнинг моддий қобиғи товуш бирликлардан ташкил топади. Тилнинг товуш бирликлари тизими унинг товуш томонларини намоён қилади. Юқорида такидланганидек, тилнинг товуш томони икки асосий қатламларга ажралади, улар сегмент ва суперсегмент бирликлар. Ўз навбатида уларнинг бир нечта қатламлари бўлиб, сегмент бирликларга –товушлар, бўғинлар ва фонетик сўзлар киради. Суперсегмент бирликларга эса – урғу ва оханг (интонация) кириши ҳақида маълумотга эга бўлдик.

Урғу – турли фонетик воситалар (масалан, нафас чиқаришнинг кучи, овозни кучайтириш, буғин таркибидаги унлининг чўзиқ талаффузи, тон баландлигини ўзгартириш) орқали бўғин ёки сўзни ажратиш, шу ажратишга хос кучли талаффуз. Ажратиш объектига кўра, урғунинг 2 тури фарқланади: сўз урғуси (луғавий урғу) ва фраза урғуси (мантиқий урғу). Икки ва ундан ортиқ бўғинли сузларда шу буғинлардан бирини ажратиб, кучли талаффуз этилиши суз урғуси дейилади. Суз урғуси, ўз навбатида, сўзнинг қайси бўғинга тушиши, қайси бўғинга бириктирилганлигига кўра 2 га бўлинади: турғун (ўзгармас) урғу ва кўчма (эркин). Турғун урғу сўзда буғинлар сони ўзгариши (ортиши)га қарамай, ўрни ўзгармайдиган урғудир. Масалан, ўзбек тилида суз урғуси шундай: ўқит — ўқитўв — ўқитувчи — ўқитувчилик. Айрим ҳолатларда сўз урғуси маъно фарқлаш вазифасини ҳам бажаради: олма (фёъл) — олма (от: мева); кесма (фёъл) — кесма (от) ёки сўз шаклини фарқлайди: ишчимиз (бизнинг ишчи) — ишчимиз (биз — ишчи), отингиз (сизнинг отингиз) — отингиз (милтиқни отинг) каби.

Агар урғунинг унли товушлар тизимидаги ўрнини кўриб чиқадиган бўлсак, инглиз тилида унлиларнинг урғуга муносабати ўзига хосдир. Унлифонемалар урғусиз ҳолатда сифат ва миқдор белгиларидаги

Ўзгаришга кўратўлиқ, ярим кучсиз ҳамда кучсиз ҳолда ифодаланади²³. Урғусиз бўғиндаунлиларнинг сифат ва миқдор белгилари тўлиқ ўзгариши натижасида кучсизунлилар юзага келади. Кучсиз унли асосан нейтрал /ə/ ёки урғусиз /ɪ/ тарзида ифодаланади. Нейтрал /ə/ унлиси ноаниқ сифатга эга эканлиги туфайли Д.Жоунз унинг учта: ə1, ə2, ə3; Г.Торсуев тўртта кўринишини фарқлайди: [эз:], [эе], [э^], [э·]²⁷. Бундан ташқари, нейтрал /ə/ унлисининг яна бир кўринишини фарқлаш лозим. Бунда у /ɪ/ товушининг сифатига ўхшаш талаффуз қилинади. Нейтрал /ə/ унлисининг мазкур вариантыни кўпроқ сифат ясовчи *-ible* суффиксида кузатиш мумкин: *accessible*[ək`sesəbl], *imperceptible*[impə`septəbl], *admissible*[əd`misəbl], *incombustible*[inkəm`bʌstəbl], *implausible*[im`plə:zəbl]. Инглиз тилида /aʊ/ дифтонгидан ташқари барча унли фонемалар урғусизҳолатда нейтрал /ə/ билан ўрин алмашади²⁴.

Сўз урғусини фраза (ибора) урғуси билан қиёслаш натижасида уларнинг акустик белгилари ўрта- сидаги ўхшашлик ва фарқланиш аломатларини аниқлаш мумкин. Фикримизча бирламчи динамик табиат ва иккиламчи оҳанг бирлиги биргаликда сўз ва иборани (фразани) акустик ва функционал жиҳатдан шакллантиради. Урғунинг кучи кўп бўғинли сўз ва ибораларнинг ҳар хил бўғинларида ҳар хил даражада бўлиш мумкин. Бумасалани экспериментал-фонетик ва фонологик томондан текшириш натижасида ойдинлаштириш зарур²⁵.

Ўзбек тили унлиларида тилнинг кўтарилиш ҳамда лаб белгиси яққаҳолда сўз маъносини фарқлай олиши учун фонологик муҳим; тилнинг қаторбелгиси эса ёндош товушлар таъсирида тўлиқ ўзгарувчан бўлгани туфайли фонологик жиҳатдан аҳамиятсиз ҳисобланади. А.Абдуазизов ўзбек

²³Vassilyev V.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Moscow: High School Publ. House, 1970. – P. 216.

²⁴Abduazizov A.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Т.: Musiq, 2007. – P. 123.

²⁵Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологиясиваморфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б. 15.

тилида унлилар оппозицияларини бир йўла нечта фонологик белги билан фарклана олишига кўра қуйидагича тасниф қилади:

а) бир фонологик белги билан фарқланувчи оппозиция – тилнинг кўтарилиши ёки лабнинг иштирокига кўра фарқланиш: /i-ʊ/, /e-oʻ/, /ɑ-ɒ/ – лабланмаган-лабланган оппозицияси; /i-e/, /iɑ/, /e-ɑ/, /oʻ-ʊ/, /oʻ-ɒ/, /ʊ-ɒ/ – тилнинг кўтарилиш даражаси билан боғлиқ оппозиция;

б) икки фонологик белги билан фарқланадиган оппозиция – тилнинг кўтарилиши ҳамда лабнинг иштирокига кўра икки белги билан фарқланиш: /i-oʻ/, /i-ɒ/, /e-ʊ/, /e-ɒ/, /ɑ-ʊ/, /ɑ-oʻ/ ²⁶. Н. Раджабовнинг тадқиқотига кўра, ўзбек тилидаги унлилар урғули ҳолатда ҳам, урғусиз ҳолатда ҳам бир белги билан фарқланувчи тўққизта оппозицияга, икки белги билан фарқланувчи олти та оппозицияга эга бўлади.

Оханг(Интонация) – нутқнинг ритмик охангдор томони бўлиб, у гапда хиссий, ифодали рангбаранглик беришда ҳамда синтактик маъно фарқлашда катта аҳамиятга эгадир. Интонация нутқнинг асосий ва ажралмас белгиларидан саналади. Ёзма нутқда у махсус тиниш белгилари билан ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, интонация бу мураккаб ходиса бўлиб, у ўзида нутқ охангдорлиги, интензивлиги, нутқ темпи ҳамда пауза каби хусусиятларни ўзида уйғунлаштиради. Қўшимча хусусиятларига нутқ тембри ва ритм кабилар ҳам киради. Ўзбек тилида интонацияга эътибор, тилшунослик фани анча ривожланган нуқтага йетгач, берилди бошлади. Шунда ҳам у ўтган асрнинг 30-йилларидан рус ва европа халқлари тилшунослигида кўзга ташланади. Пешковскийнинг грамматика ва интонация муносабатига бағишланган мақоласида қайд этилди. Яна маълум йил оралаб Е.Крузинга ва И.Я.Блиновларнинг ишлари дунёга келиб, улар нутқда юзага келган айрим интонацион белгилар ҳақида фикр юритдилар. Интонацияга анча чуқур кириб, унинг ҳар бир компонентини атрофлича татбиқ этишга 1960 йиллардан киришилди. 1961 йил П.С.Поповнинг мантик

²⁶ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологиясиваморфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68.

урғусига бағишланган иши эълон қилинди. Кейин Л.В.Бондарконинг нутқни осциллографик тахлил этиш билан ўрганишни кўрсатувчи йирик иши яратилди. Бу билан у интонациянинг турли компонентлари ва уларнинг хусусиятлари хақида маълумотларни бериб ўтди. Шу 1965 йилдан бошлаб гап интонациясига бағишланган қатор ишлар дунё юзини кўрди. Дастлаб Х.Исматуллаевнинг риторик сўроқ гапларга бағишланган мақоласи эълон қилинган бўлиб, у эшитиш методига асосланган эди. Шундан кейин туркий тилларнинг бир нечасида гап интонациясига бағишланган йирик ишлар, кўпроқ номодлик диссертациялари яратилди.

Юқорида қайд этилган илмий ишлардан олинган хулосаларга кўра, интонациянинг таянч компоненти гап, хатто нутқ доирасида ҳам, товуш баландлиги тизими, яъни оҳанг ҳисобланади. У гапнинг мантиқ урғусига марказлашади. Интонациянинг шаклланишида пауза ҳам, товуш темпи ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Интонацияда товуш кучи, тембри, унинг экспрессивлигининг аҳамияти иккинчи даражали бўлади.²⁷

А.Абдуазизовнинг фикрича эса, интонацияни ўрганишда проф. А. М. Пешковский аъналаридан фойдаланиш ва ҳозирги давр тилшунослигидаги «интонология» назарияси ва усулларининг ижобий томонларини қўллаш зарур. Нутқнинг синтагмагик бўлиниши, пауза, ритм, нутқ суръати (темп) ва овоз сифати (тембри)нинг ўзгариши энг зарур белгилар ҳисобланувчи оҳанг (мелодика) ва ибора (фраза) урғусининг табиатини ҳам ўзгартириб юбориши натижасида гапнинг мазмун жиҳатидан (коммуникатив) тури, унинг семантик (маъно) жиҳати ва эмоционал томони ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Фонетикага доир баъзи адабиётларда кўпинча овоз сифатини (тебрини) фақат эмоционаллик белгиси деб нотўғри талқин қилишади. Тембр — овознинг сифатини белгилайди. Бироқ овознинг сифатини белгилаш орқали нутқнинг эмоционал эмоционал эмаслик хусусиятлари очилади. Ҳозирги пайтда экспрессив нутқнинг талаффуз хусусиятлари фонетика ва фоноло-

²⁷Миртожиев.М Ўзбек тили фонетикаси. Тошкент – 2013. Б 11-13

гияннинг «фоностилистика» бўлимида ўрганилмоқда. Авваллари бу соҳа жуда тор маънода «товуш стилистикаси» бўлими деб аталар эди.²⁸

Ўзбек тилида оҳанг турлари ва уларнинг грамматика (синтаксис) билан алоқаси, лексик-семантик хусусиятлари, физик ва фонологик белгиларини ўрганиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Интонация турларини экспериментал-фонетик жи- ҳатдан текшириш натижасида уларнинг акустик структураси, грамматик, фонологик (маънони фарқлаш), фоностилистик (эксперессив маъно бериш) ва паралингвистик (овознинг си- фати билан боғлиқ бўлган алоҳида талаффузи, унда имо-ишора ва мимиканинг бошқаруви) вазифаларини тўлароқ аниқлаш мумкин. Интонацияни ўрганишда проф. А. М. Пешковский анъаналаридан фойдаланиш ва ҳозирги давр тилшунослигидаги «интонология» назарияси ва усулларининг ижобий томонларини қўллаш зарур. Нутқнинг синтагмагик бўлиниши, пауза, ритм, нутқ суръати (темпи) ва овоз сифати (тембри)нинг узгариши энг зарур белгилар ҳисобланувчи оҳанг (мелодика) ва ибора (фраза) урғусининг табиатини ҳам ўзгартириб юбориши нати- жасида гапнинг мазмун жиҳатидан (коммуникатив) тури, унинг семаитик (маъно) жиҳати ва эмоционал томони ҳам ўзгариб кетиши мумкин.²⁹

Нутқнинг оҳангдорлиги, нафақат фразалар ташкил этишда балки, маъно фарқлашга ҳам хизмат қилади. Бир хил сўзлардан ташкил топган гаплар, одатда оҳангдорлик жиҳатидан турли грамматик маъно ифодалайди, яъни унда интонациянинг баланд ва пастлиги ёрдамида гапнинг турли мақсадлари намоён бўлади. Инглиз тилида интонациянинг икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, улар “rise” – яъни нутқнинг баландлаши, “fall” – бу

²⁸ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.-Б. 16

²⁹ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.-Б. 15

нутқнинг пастлаши. Нутқнинг пастлаши қуйидаги гап турларида намоён бўлади:

Маълумот шаклида – This is a very beautiful flower (Bu juda chiroyli gul)

Тасдиқ шаклида – Of course(Albatta)

Буйруқ шаклида – Let's go (Qani kettik)

Масус сўроқли гапларда – What's your name?(Ismingiz nima?)

Ундовшаклида – How interesting! (Juda qiziq!)

Нутқнинг баландлаши эса қуйидаги холларда ифодаланади:

Умумий сўроқли гапларда – Do you like reading books? (Kitoblar o'qishni yaxshi ko'rasizmi?)

Хайрлашув шаклида – Goodbye! (Yaxshi qoling!)

Рухсат сўраш шаклида – Can I open the door? (Eshikni ochib qo'ysam bo'ladimi?)

Илтимос қилиш ёки таклиф шаклида – Come in! (Kiring!)

Гап бошида келган равишлар ва кириш сўлардан сўнг – Sometimes I read books (Ba'zida, men kitoblar o'qib turaman)

Баъзи холларда, нутқда “fall-rise” шакли бирданига ҳам намоён бўлиш холлари ҳам кузатилади.

Бундан ташқари интонациясининг бир нечта функциялари мавжуд бўлиб, улар:

Коммуникатив (Communicative) вазифаси яъни, гапларнинг нутқ шаклида оханг ва овоз тўнининг ўзгариб туриши.

(Expressive) Экспрессив вазифаси - нима ҳақида сўз бораётганини ва сўзловчининг нутқ сўзлашдан мақсадини ва унга бўлган муносабатини ифодалаш ва тингловчига етказиб бериш учун хизмат қилади.

Сўзловчининг нутқидаги бир қанча хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар сўзловчининг муносабати ва эмоционал ҳолатига кўра фарқланади.

Эмоционал, жисмоний ва психологик ҳолатига кўра: кучли, кучсиз, позитив, негатив ва универсал бўлади.

Кулминатив(Culminative) - янги ва олдин берилган маълумот ўртасидаги фарқ (мавзу - Рема): масалан: Ҳаррингтон учинчи (Hurrington's the third one) Учинчиси – Харрингтон. (The third one is Hurrington).

Таъкидлаш - сўзларни семантик аҳамиятлилиги даражасига қараб ажратиш.

Семантик - бутун жумлалар ёки фақат битта сўз оҳанги ўзгариши натижасида юзага келган фарқ:

а) У ўз китобларини ҳеч кимга бермайди (оҳанг қуйи пастлаши билан) (She does not lend her books to anybody).

б) У ўз китобларини ҳаммага ҳам беравермайди (оҳанг юқори пастлаши билан) (She does not lend her books to anybody).

Дискурс - жумлаларни, улар пайдо бўлган катта контекстлардаги жумлаларни интонацион тузилишини билдиради. Биз мулоқот қилиш учун гаплашамиз ва буни амалга ошириш учун тингловчилар билан ўзаро алоқа қилишимиз керак.Биз тақдим этаётган маълумотларнинг турини ва қандай тузилганлигини кўрсатиб беришимиз керак ва шу билан бирга биз тингловчиларимизнинг эътиборини ва уларнинг маълумот алмашишдаги иштирокини сақлашимиз керак. Шундай қилиб, деярли барча алоҳида функциялар анъанавий равишда интонация билан боғлиқ.

II БОБ. Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм тизими: фонетик ва фонологик хусусиятлар

2.1. Тиллардаги вокализм тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Фонетика - бу тилшуносликнинг мустақил соҳаси бўлиб, у одамнинг нутқ товушлари билан боғлиқ бўлиб, улар орқали фикрлар ифодаланади: бу товушларнинг табиати, уларнинг комбинацияси ва маънога нисбатан вазифаларидир. Фақат мазмунли товуш кетма-кетлиги нутқ сифатида қабул қилинади ва фонетика фани фақат инсоннинг нутқ аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган тилнинг ахборот ташувчиси бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган товушлар билан боғлиқ. Фонетика нутқ товушларини (фонемаларни), урғу ва интонацияни ўрганадиган тилшуносликнинг бир соҳасидир. Фонетика нутқ товушларининг артикуляцион ва акустик хусусиятларини, урғу ва интонацияни физик хусусиятлари ва товуш идрокини, фонемаларнинг лексик ва грамматик ролини, сўз урғуси ва интонацияларни ўрганади. Бошқача айтганда, тилнинг товушли материясини, унинг томонларини ва функцияларини ўрганади. Бундан келиб чиқадики, фонетика тилшуносликнинг асосий тармоғидир. На лингвистик назария, на тилшунослик фонетикасиз амалда қўлланилмайди ва бирон бир тил тавсифи фонетикасиз тўлиқ бўлмайди. Шунинг учун фонетика, тилнинг оғзаки муҳити билан боғлиқ бўлган фан, лексикология, грамматика ва стилистика билан бир хил аҳамиятга эга деб таъкидлаш жоиз.

Вокализм тизимининг тузилишига боғлиқ ҳолда унлиларнинг фонологик оппозициялари ҳам содда ёки мураккаб тузилишга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан унлиларнинг фонологик оппозициялари инглиз тилида мураккаб, ўзбек тилида содда тузилишдан иборатдир. Редукция инглиз тилида урғусиз унлиларга, ўзбек тилида урғусиз унлилар билан бир қаторда урғули унлиларга ҳам таъсир қилади. Ўзбек тилида юқори тор унлилар урғули ҳолатда қисман, урғусиз ҳолатда фонетик контекстга боғлиқ ҳолда

кисман ёки тўлиқ редукцияга учрайди. Ўрта ва қуйи кенг унлиларга редукция урғусиз ҳолатда қисман таъсир қилади.

Фонетиканинг бошқа тилшунослик фанлари билан алоқаси, аввало, орфография орқали амалга оширилади, бу эса ўз навбатида фонетика билан чамбарчас боғлиқдир. Фонетика алоҳида товушлар ва сўз бирикмаларининг талаффуз қоидаларини шакллантиради. Ўқиш қоидалари товушларнинг орфография билан боғлиқлигига асосланади. Ўқиш фонетик қоидалари тизими грамматикага боғлиқ. Масалан, энг муҳим фонетик ходисалардан бири бу овоз алмашинуви – у алоқаларни кўрсатади. Буни рақамлар тоифасида кузатиш мумкин. Шундай қилиб, F-V, C-S харфларининг ўзаро алмашилиши отларнинг бирлик ва кўплик шакллари *calf-calves*, *house-houses* каби ажратишга ёрдам беради. Товуш алмашинуви сўзларнинг якка ва кўп сонини ажратишга ёрдам беради: *man-men*, *mouse-mice* ва бошқалар. Шунингдек, нотўғри феълларнинг кескин шакллари билан боғлиқ: *sing-sang-sung*; *write-wrote-written*. Шунингдек, гап бўлақларини ажратиб олишга ёрдам беради: *bath-bathe*; *hot-heat*, *type-typical*. Фонетика грамматика билан ҳам унинг интонацион компоненти орқали боғланган. Интонация жумланинг мантиқий кесимни ажратишга хизмат қилиши мумкин:

He came home. Not Mary or John.

He came home. You can see him now.

He came home. Not to the club.

Фонетика лексикология билан ҳам боғлиқдир. Фақат керакли жойда урғу мавжудлиги сабабли, баъзи отларни феъллардан ажратиб олишимиз мумкин: *object(n)*предмет маъносида – *to object(v)*қарши чиқмоқ маъносида; *abstract(n)*қисқа таъриф маъносида – *to abstract(v)*ажратиб олмоқ маъносида. Омографларни фақат талаффуз туфайли фарқлаш мумкин, чунки улар имло жиҳатидан бир хил: *lead(n)*қўлланма маъносида–*lead(v)* бошқармоқ маъносида, *wind(n)*шамол маъносида – *wind(v)* ўрамоқ маъносида. Гап урғуси жойлашуви омоним сўзлар ва сўз гуруҳларини фарқлашга ёрдам беради: *blackbird* – *black bird*(қора қуш маъносида).

Нутқ товушларининг ҳосил бўлиши (артикуляцияси) ҳавонинг ҳаракати, товуш пайчалари, юмшоқ танглайнинг иштироки, нутқ товушининг ҳосил бўлиш ўрни, нутқ товушининг ҳосил бўлиш усули, лабларнинг иштироки, жағнинг ҳолати, тилнинг ҳаракати каби омилларга боғлиқ бўлади. Мазкур омилларнинг қай тарзда воқеланишига кўра нутқ товушларининг бир неча турлари фарқланади. Анъанага мувофиқ нутқ товушлари икки йирик гуруҳга ажратилади: *унли товушлар ва ундош товушлар*. Д.Кристал нутқ товушлари борасида сўз юритар экан, унли ва ундош товушлар билан бир қаторда *ярим унли, ярим ундош товушлар* ҳам мавжудлигини қайд этади. А.Махсумов “тўсиқ ҳосил бўлиш” омилига кўра нутқ товушлари уч гуруҳга ажратилишини таъкидлайди: *унли товушлар, ундош товушлар ҳамда сонор товушлар*. Бу товушларни ўзаро фарқлашда тилшунослар уларнинг ҳосил бўлиш усулига эътибор қаратишади. Унли товушлар ҳосил бўлиши борасида тилшуносликда анъанавий ёндашув билан бир қаторда янгича ёндашув ҳам мавжуд. Д.Кристал, С.Леонтева, М.Соколова каби тилшунослар анъанавий ёндашувга асосланган ҳолда *унли товуш ҳосил бўлишида ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамайди*, деб таърифлашади. Ш.Раҳматуллаев, А.Махсумов каби тилшуносларнинг фикрича, унли товуш ҳосил бўлишида ҳаво оқими тўсиққа учрайди. Ш.Раҳматуллаев бу жараёнда “... овоз пайчалари ҳаво оқимига тўсиқ бўлиб, ритмик тебранади, шунга кўра бу тўсиқ овоз ҳосил қилиш тўсиғи дейилади”, - дейди . А.Махсумов эса унли товуш ҳосил бўлишида ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тилнинг олд, ўрта ёки орқа кўтарилиш қисмига енгил ўрилиб, тўсиққа учрайди, деб талқин қилади. Ундош товушлар ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида турли даражада тўсиққа учраши натижасида ҳосил бўлади. Ярим унли, ярим ундош товушлар ҳосил бўлишида, Д.Кристалнинг фикрича, ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамайди ва шунинг учун ҳам улар унли товушларга хос бўлади . В.Васильев эса ярим унли, ярим ундош товушлар ҳосил бўлишида ҳаво йўли тўсиқ ҳосил бўлмаслик даражасида кенг бўлмаслигини таъкидлайди. Бизнингча, бу ўринда нутқ товуши ҳосил бўлиши учун тўсиқнинг муҳим

эканлигини инобатга олиш, ҳар қандай нутқ товушларининг ҳосил бўлишида ҳаво оқими у ёки бу даражада тўсиққа учраши лозимлигини таъкидлаш ўринлидир. Агар ҳаво оқими ҳеч бир нутқ органида тўсиққа учрамаса, у ҳолда нутқ товуши ҳам ҳосил бўлмайди. Биз унли, ундош ва ярим унли, ярим ундош, яъни сонор товушларнинг фарқли жиҳатларини ёритишда нутқ товушлари ҳосил бўлишида нутқ органларининг бир-бирига яқинлашиши ва шу яқинлашиш туфайли юзага келадиган тўсиқнинг ҳаво оқими эркин ҳаракатланиши учун *кенглик* ёки *торлик* даражасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Маълумки, ҳар учала гуруҳ товушлари ҳосил бўлишида нутқ органлари бир-бирига у ёки бу даражада яқинлашади. Бу ундош ва сонор товушлар билан бир қаторда унли товушлар ҳам ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида “енгил” бўлса-да, тўсиққа учраб ҳосил бўлишини тасдиқлайди. Унли, ундош ва сонор товушлар оғиз бўшлиғида тўсиқнинг турли даражада юзага келиши туфайли ўзаро фарқланади. Нутқ товуши ҳосил бўлишида юзага келадиган тўсиқ даражасини аниқроқ ифодалаш учун уларни шартли равишда куйидагича номлаш мумкин:

Кенг тўсиқ – ҳаво оқими оғиз бўшлиғида “енгил” тўсиққа учрайди, аммо бу унинг эркин ҳаракатланишига тўсиқлик қилмайди, натижада *унли товушлар* ҳосил бўлади.

Зич тўсиқ – ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тўлиқ тўсиққа учрайди ва кучли босим билан ҳаракатланади, натижада *портловчи ундош товушлар* ҳосил бўлади.

Тор тўсиқ – ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тор тўсиққа учрайди ва ярим босим билан ҳаракатланади, натижада *сирғалувчи ундош товушлар* ҳосил бўлади.

Ярим тўсиқ – ҳаво оқими оғиз бўшлиғида қисман тўсиққа учрайди ва қисман босим билан ҳаракатланади, натижада [r], [w], [j] *сонор товушлари* ҳосил бўлади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нутқ товушларида ун (овоз) ва шовқиннинг миқдори тўсиқ даражасига боғлиқ бўлади. Масалан, сонор товушлар ҳосил бўлишида юзага келадиган тўсиқ унли товуш ҳосил

бўлишидаги тўсиққа нисбатан тор, лекин ундош товуш ҳосил бўлишида юзага келадиган тўсиққа нисбатан кенгроқ бўлгани учун уларда шовкинга нисбатан ун устувор бўлади. Жарангли ундошларда эса ун (овоз)га нисбатан шовкин кўпроқ бўлади. Бу борада жарангсиз ундошлар фақат шовкиндан; унли товушлар фақат ун (овоз)дан ташкил топади.³⁰

Тилнинг товуш томони анчагина мураккаб бўлган тадқиқот объекти ҳисобланади. Тилнинг товуш томони сегмент (лот. *segmentum* — қирқим, парча, бўлак) ва устсегмент (суперсегмент) бирликларга бўлинади. Сегмент бирликлар кетмакет жойлашади (бир вақтнинг ўзида 2 та товушни талаффуз қилиб бўлмайди). Шунинг учун уларни силсилалари ёки кетмакет бирликлар дейиш мумкин. Устсегмент бирликларга урғу ва оҳанг (интонация) киради. Бу бирликлар сегмент бирликлар устига қўйилади ва уларга турлича тус беради.

Ҳар қандай нутқ товуши, аввало, нутқ аъзоларининг ҳаракати туфайли талаффуз қилинади, яъни физиологик хусусиятга эга. Иккинчидан, у ҳавонинг маълум бир эластик тебранишидан ҳосилбўлади; , унинг акустик (физик) жиҳати бор. Учинчидан, муайян сўз ва морфеманинг маъно томони билан товуш қобиғи биргаликда инсон онгида шаклланади, зеро инсон маълум товушлар мажмуини эшитиш билан қабул қиларэкан, ушбу мажмуи заминидаги маънони идрок этади, бу перцептив(психофонетик) хусусият саналади.

Юқорида қайд этилганидек, фонетика ва фонология бўлимлари бир бири билан чамбарчас боғлиқдир. Фонетика нутқ товушларини ифодаласа фонология тилнинг товуш тизимини ўрганувчи бўлим сифатида бизга маълум бўлди. Бошқа манбаларда берилишича эса, Фонология термини тилшуносликда XIX аср охирида нутқ товушларининг акустик-артикуляцион томонидан функционал томонини фарқлаш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлди. Фонология термини тилшуносликда қатъий ўрин олган бўлса ҳам,

³⁰С.Солижонов – “Илмий мақолалар”.

лекин кўп ҳолларда фонетикадан аниқ фарқланмайди, баъзан улар бир-бири билан аралаштирилади. Айрим ҳолларда эса иккисининг ўрганиш объекти аралаштирилади. Масалан, тилшуносларнинг кўпчилиги фонология деганда, нутқ товушларининг функционал томонини тушунсалар, айримлари артикуляцион-акустик томонини тушунадилар. Хусусан, Ф.де Соссюр шундай дейди: “Товушлар физиологияси кўп ҳолларда фонетика дейилади. Бу термин, бизнингча, номувофиқ кўринади. Биз буни фонология термини билан алмаштирамиз, чунки фонетика азалдан товушлар тараққиёти ҳақидаги таълимот бўлиб келган ва шундай бўлиб қолавериши керак. Фонетика тарихий фандир. У воқеаларни, ўзгаришларни таҳлил этади, замонда ҳаракат қилади. Фонология замондан ташқаридир. Чунки артикуляция механизми доимо ўзига ўзи ўхшашлигича қолаверади”.

Кейинчалик фонология тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида фонемаларнинг фарқловчи белгиларини ўрганувчи фан сифатида эътироф этилди. Фонемаларнинг бевосита нутқ жараёнида реаллашуви эса фонетиканинг ўрганиш объектига айланди. Бир сўз билан айтганда фонология бу умумийлик, мохиятни ўрганса, фонетика эса хусусийлик, ходисаларни ўрганadi. Фонологияда фонетикада берилган материаллар асосида иш кўрилади.

2.2. Инглиз тили вокализм тизимининг фонетик ва фонологик жиҳатлари

Инглиз тили вокализм тизими деганда аввало биз унли товушлар тизими эканлиги хақида юқоридаги маълумотлардан билиб олдик.

Нутқ товушлари 2 гуруҳга бўлинади: унли ва ундош товушлар. Товушлар овоздан иборат бўлади. Ундош товушлар шовқинга асосланган бўлади.

[b,d ,g] [p, t, k]

Нутқ товушлари боғинлар таркибида келиши нутқтаи назаридан, икки типга бўлинади: бўғин ясайдиган товуш, бўғин ясамайдиган товуш. Бўғин ясайдиган товуш деб асосан унлилар келтирилади.³¹

Fa – mi – lu[fæmili] учта та унли, учта та бўғин.

Айрим ундош товушлар ҳам бўғин ҳосил қилиши мумкин. Улар сонорлар деб аталади. Инглиз тилида 5 та сонор товушлар мавжуд

[m, n, l,(r),ŋ] Баъзи тилшунослар уларни ярим унли товушлар деб ҳам аташади little[lit-l] икки бўғин биргаликда талаффуз қилинади.

Cotton [ˈkɒ-tɒn] қисқа унли, ёпиқ бўғин

Reason [ˈri: -zn] узун унли, очик бўғин

Table [ˈteɪ-bl] дифтонг очик бўғинда

Қадимдан унли ва ундош товушларни фарқлаш жуда муҳим ҳисобланган. Ушбу бўлиниш тамойили ҳозирги кунга қадар йетарлича аниқ эмас ва улар орасидаги чегара жуда ноаниқ. Баъзи ундош товушлар унли товушларсиз талаффуз қилинади ва уларнинг маънолари бор [s:] [m:] Аммо аксарият ундош товушлар унли товушлар билан талаффуз қилинади. Товуш шаклланишининг 4 та принципи мавжуд.

1) унли товушлар овозга асосланган бўлиб, улар юқори-томоқ бўшлиқларда ўзгариши

2) барча нутқ органларида мушакларнинг иштирок этиши;

³¹ М.М.Миртожиев “Ўзбек тили фонетикаси” Тошкент-2013 Б-144

3) ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан ўтиши лаблар иштирокида [p, b] - [t, d] - [k - s] алвеолалар, тишлар иштирокида;

4) нафас кучи заифлиги. Ундош товушлар учун нафас кучи кучли бўлади.

Бондаренконинг фикрича³², унли товушлар классификацияси икки асосий тамойилга асосланади:

- Тилнинг ҳолатига кўра
- Лабларнинг ҳолатига кўра

Тилнинг қайси қисми танглай томонга кўтарилишига қараб унлилар:

1) Олд қатор унлиларига (front vowels) яъни, бунда талаффузда тил оғиз бўшлиғининг олд қисмида талаффуз этилади, мисол учун инглиз тилидаги [i:] [e] товушлари.

2) Ўрта қатор унлиларига (central vowels) бунда оғиз бўшлиғининг ўрта ва орқа қисмида талаффуз қилинувчи товушлар яъни [ə:] [ə]

3) Орқа қатор унлилари (back vowels) бунда тил орқага тортилиб, тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга тегади, мисол учун [u][u:]

Ўз навбатида товушлар уч гуруҳга бўлинади: монофтонглар ва дифтонглар ва дифтонгоидлар. Юқорида бериб ўтган маълумотларимизда биз бу мавзуга қисқа тўхталиб ўтган эдик.

Инглиз тилида фонетик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи 10 та монофтонг ([ɪ, ɛ, æ, a:, ɔ:, ɒ, ʊ, ʌ, ɜ:, ə]), иккита дифтонгоид ([i:], [u:]), саккизта дифтонг мавжуд. Мазкур тилда дифтонглар марказий ([iə, eə, ʊə]) ҳамда тушувчи ([eɪ, aɪ, ɔɪ, aʊ, əʊ]) турларга ажратилади. Тилшуносликда дифтонгларнинг фонема тизимига алоқаси бор ёки йўқлиги нуқтаи назаридан икки тури фарқланади: *фонемик дифтонглар* ва *фонетик дифтонглар*. Фонемик дифтонглар бўғин ёки морфема чегарасида иккига ажралмайди ва шу сабабли уларнинг ҳар икки элементи бир бутун фонема ёки *монофонема* ҳисобланади. Фонетик дифтонглар эса бўғин ёки морфема чегарасида иккига

³² Л.П. Бондаренко «Основы фонетики английского языка» Москва изд. «Флинта» 2009

бўлиниб кетади. Бўғинга ажралиши туфайли фонетик дифтонглар *бифонема*, яъни ёнма-ён келган иккита мустақил фонема сифатида талқин қилинади.³³

Монофтонг бир элементдан иборат нутқ товушидир. Дифтонг бу икки элементдан иборат нутқ товушидир. Инглиз тилида /aʊ/ дифтонгидан ташқари барча унли фонемалар урғусиз ҳолатда нейтрал /ə/ билан ўрин алмашади.³⁴

Таснифлаш принциплари қуйидаги ўзига хос карама-қаршиликларни белгилаш учун асос бўла олади:

1. Артикуляциянинг барқарорлиги

1.1. монофтонглар ва дифтонглар

bit [bɪt] – bait [beɪt], kit[kɪt] - kite[kaɪt], John[dʒɒn] – join [dʒɔɪn],

1.2. дифтонглар ва дифтонгоидлар

bile [baɪl] – bee [bi:], boat [bəʊt] — boot [bu:t], raid [reɪd] - rude [ru:d]

2. Тилнинг ҳолати

2.1. Тилнинг горизонтал ҳаракати

а) олд ва марказий

cab [kæb] — curb [kɜ:(r)b], bed [bed] — bird[bɜ:(r)d]

б) орқа ва ўрта

pull[pʊl] – pearl[pɜ:(r)l], cart[kɑ:(r)t] - curl[kɜ:(r)l]

2.2. Тилнинг вертикал ҳаракати

а) ёпиқ (юқори) – ярим очик (ўрта) **bid[bɪd] —bird [bɜ:(r)d], week [wi:k] – work [wɜ:(r)k]**

б) очик (орқа) – ярим очик (ўрта) **lark[la:(r)k] - lurk[lɜ:(r)k], call[kɔ:l] — curl curl[kɜ:(r)l]**

Лабларнинг ҳолати кўра **don[dɒn] — darn[da:(r)n]**

³³Раджабов Н.Н. Инглиз ва Ўзбек тилларида вокализм системасининг фонологик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқи: Филология фан. Д-ри ... Автореферати Т-2018 – Б. 15

³⁴Abduazizov A.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Т.: Musiqa, 2007. – P. 123.

Дифтонглар турли хил олимлар томонидан ҳар хил тавсифланади. Бу тавсиф бир унлининг бўғин хосил қила олиш хусусиятидан келиб чиқиб хосил бўлади. Дифтонгда фақат битта элемент бўғинли ядро вазифасини ўтаганлиги сабабли, дифтонг битта товушдир. Дифтонгнинг битта товуш сифатида яна бир таърифи иккинчи элементнинг беқарорлигига асосланади. Бошқа гуруҳ олимлари дифтонгни акцентуал нуқтаи назардан белгилайдилар: чунки битта элементга урғу берилган бўлса, иккинчиси эътиборга олинмаганлиги сабабли, дифтонг битта товушдир.

Д.Жонс дифтонгларни шундай таърифлайдики, унда дифтонг бир бўғинли сирғалувчи товуш сифатида тавсифланади, бунда нутқ органлари бир позициядан бошланиб, сўнгра бошқа жойга кўчади.

Н.С. Трубецкойнинг таъкидлашича, а)дифтонг бир бўғинли кўчувчи товуш бўлиши керак, яъни дифтонгнинг қисмлари иккита бўғинга алоқадор бўла олмайди; (б) монофонемик кўчувчи артикуляция билан; (с) унинг узунлиги битта фонеманинг узунлигидан ошмаслиги керак.

Товушларнинг чўзиқ ва қисқа ифодаланиши. Инглиз тилида чўзиқ ва қисқа фонемалар мавжуд. Уларга мисол қилиб: *Pete -pit, beet – bit* келтириш мумкин. *i:- i. u:-u* товушлари нафақат миқдорий ва сифат жихатдан фарқловчи хусусиятлари мавжуд балки артикуляция жихатдан ҳам фарқловчи хусусиятларига эга.

Биз фонология хусусида юқорида жуда кўплаб сўз юритдик. Бу бўлимда эса юқоридаги фикрларимизни янада кенгроқ ёритиб беришга ҳаракат қиламиз. Фонема турлича таърифланади. Тил товушлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, "товуш" атамасини икки хил йўл билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, айтишимиз мумкинки, мисол учун [t] ва [d] товушларини оладиган бўлсак, *ten-den, seat-seed* бу сўзларда икки хил товуш қўлланилаётганлигини кўраемиз. Аммо бошқа томондан, биз "*let us*" даги t ва "*let them*" даги t бир хил эмаслигини биламиз. Иккала мисолда ҳам товушлар фақат битта артикуляцион хусусиятда фарқланмоқда. Иккинчи ҳолатда эса товушлар орасидаги фарқ функционал жихатдан аҳамиятга эга

эмас. Ушбу икки ҳолатда "товуш" маъноси турлича эканлиги аниқ. Ушбу ноаниқликни олдини олиш учун тилшунослар иккита алоҳида атамани ишлатадилар: фонема ва аллофон.

Юқорида биз фонология ва фонема тўғрисида бир қанча манбалардан маълумотлар келтириб ўтдик. Улардан бири: фонология фонетик birlikларнинг ижтимоий-лингвистик вазифаси – маъно фарқлаш хусусиятларини ўрганади. Фонетик birlikларнинг сегмент ва суперсегмент турлари фарқланишига кўра, фонология ҳам сегмент ва суперсегмент сатҳларга эга бўлади. Сўз шакли ва маъносини ўзгартиришга хизмат қиладиган энг кичик сегмент birlikлар *фонемалар* деб аталади. Ҳар бир фонема чексиз фонлардан иборат бўлади³⁵ Бизнинг фикримизча бу фонология ва фонемага берилган энг мақбул тавсифдир. Демак фонемалар сўзнинг шаклини ва маъносини ўзгартиришга хизмат қилишини билиб олдик. Турли тилшуносларнинг фонемаларга берган таърифлари қуйидагилардир: Л.В.Щерба, фонемани функционал, моддий ва мавҳум birlik сифатида кўриш мумкин деб таърифлаган. В.А.Вассильев, фонема бу битта сўзни бошқа сўздан, битта грамматик шаклдан бошқасини ажратиб олишга қодир бўлган энг кичик birlikдир деб таъриф берган. Б.Блох эса фонема - бу фонемик ўхшаш товушлар гуруҳи қарама-қарши ва ўзаро мутлақ ўхшаш тиллар синфидир деган таърифни келтирган. Р.Якобсоннинг фикрича, фонема - бу минимал товуш бўлиб, ундан сўзнинг қандай маънода эканлиги тушунилади. Қуйида фонеманинг бир қанча назарий жиҳатларини келтириб ўтамыз.

1. Фонема функционал birlikдир. Функция деганда одатда унинг фарқловчи функцияси тушунилади, яъни битта морфемани бошқасидан, битта сўзни бошқасидан ёки бир гапни бошқасидан ажратишда тилнинг фонетик тизимининг турли таркибий қисмларининг ўрни.

³⁵Джуманова Д.Р. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели: Филол. фан. д-ри. ... автореферати. –Т., 2016. – Б. 15.

Худди шу фонетик муҳитдаги фонемаларнинг зидлиги морфемалар ва сўзларнинг маъносини фарқлашга хизмат қилади.

said[sed]— says[sɛɪz]

sleeper[sli:per] — sleepy[sli:pi]

bath [ba:θ]— path [pa:θ]

light[laɪt] — like[laɪk]

Баъзан фонемаларнинг зидлиги бутун ибораларнинг маъносини фарқлашга хизмат қилади:.

He was heard badly — He was hurt badly.

Шундай қилиб, биз фонемани фарқловчи функцияни бажара олади дейишимиз мумкин.

2. Фонема моддий, реал ва объективдир. Демак, у нутқда нутқ товушлари, унинг аллофонлари кўринишида амалга оширилади. Фонемалар морфемаларнинг моддий шаклини ташкил қилади, шунинг учун бу функцияни таркибий функция деб аташ мумкин.

3. Фонема англаш вазифасини ҳам бажаради, чунки мос аллофонлардан фойдаланиш ва бошқа фонетик бирликлардан фойдаланиш инъикос этишни осонлаштиради. Фонеманинг бир вақтнинг ўзида мавҳум ва умумлаштирилиши мумкин бўлган моддий ва объектив бирлик эканлигини кўшимча қилишимиз мумкин.

Фонеманинг инглиз тилидаги бир нечта хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб улар қуйидагилардир: Бир тилнинг лексиконида учрайдиган ҳар қандай фонемалар фонетик хусусиятлар ёки хусусиятлар тўпламига кўра таснифланиши мумкин. Фонетистлар ва тилшунослар дунёнинг ҳар бир тилидаги фонемаларни таснифлаш учун етарли бўлган хусусиятлар тўпламини ишлаб чиқишга ҳаракат қилишди. Ушбу турдаги хусусиятлар тўплами инсоннинг фонетик имкониятларини ташкил этади. Тилшунослик нуқтаи назаридан тавсифий етарли бўлиши учун, хусусиятлар тўплами бир тилда фонологик жиҳатдан ажралиб турадиган ҳар бир сўз учун ҳар хил кўринишни тақдим эта олиши керак; агар хусусият қандайдир изоҳдаш

кучига эга бўлса, у ҳар бир тилнинг фонологик қоидаларида талаб қилинганидек, фонемаларни тегишли табиий гуруҳларга ажратиш имкониятига эга бўлиши керак. Уларнинг тўплами устида олиб борилган бошланғич изланишларда хусусиятлар тилнинг энг кичик алоҳида таркибий қисмлари эканлигига урғу берилган. Фонемаларни фонологик қоидаларда талаб қилинадиган табиий гуруҳларга ажратишда уларнинг ролига катта аҳамият берилмаган. Бунинг ўрнига, улар тингловчилар нутқни тинглашда катнашадиган birlikлар деб ҳисобланган. Бу хусусиятлар уларнинг фонемаларни фарқлашдаги аҳамиятига асосланган : bill, pill, fill, mill, dill, sill, kill каби сўзлар орқали ифодаланган. Бир қатор тиллардаги фонемик зидликларни ўрганиш натижасида 1951 йилда Роман Якобсон, Гуннар Фант ва Моррис Ҳалле сегментал фонемаларни 12 та ўзига хос хусусиятларга кўра ажратиш мумкин деган хулосага келишди. Барча хусусиятлар икки хил кўринишда эди, яъни фонеманинг фонетик хусусиятлари бор ёки йўқ эди. Шундай қилиб, фонемаларни ундош ёки акси, овозли ёки акси, товушларнинг бурун ёки димоғдаги талаффузи ёки аксинча ва ҳоказо деб таснифлаш мумкин. 1968 йилда Ноам Чомский ва Моррис Ҳалле инсоннинг фонетик ва лингвистик қобилиятларини тўғри тасвирлаш учун 30 га яқин хусусиятлар зарурлигини таъкидладилар. Баъзи бир манбаларда фонологик таҳлил тўғрисида ҳам бир қанча маълумотлар келтирилган. Фонологик таҳлилнинг мақсади, биринчидан, товушларнинг қайси турлари фонемик ва фонемик бўлмаган фарқларини аниқлаш, иккинчидан эса, тилнинг фонемаларининг инвентаризациясини топиш.

Юқорида айтиб ўтилганидек, фонологиянинг ўзига хос текшириш усуллари мавжуд. Номалум тилларни ва аллақачон тасвирланган тилларни фонологик таҳлил қилиш учун семантик усул қўлланилади. Бу усул зидланаётган фонемаларда сўзлар ва морфемаларни ажратиб турадиган фонемик қоидага асосланади. Фонетик контекст бир хил бўлиб қолишини аниқлаш учун бир товушни иккинчисига тизимли равишда алмаштириш, шу каби алмаштириш маънонинг ўзгаришига олиб келади. Ушбу жараён

48

коммутация синови деб номланади. Бу сўзларнинг минимал жуфтликларини ва уларнинг грамматик шаклларини топишдан иборат. Масалан:

pen [pen]

Ben [ben]

gain [geɪn]

cane [keɪn]

ten [ten]

den[den]

Минимал бирликлар тилнинг фонемаларини ифодалаш учун фойдаланилади. Шундай қилиб, фонема бошқа фонемага зидланса фақат ўзига хос функциясини бажариши мумкин. Бундай зидлик фонологик зидлик дейилади. Н.С.Трубецкой томонидан ишлаб чиқилган фонологик қарама-қаршилиқларнинг таснифини кўриб чиқайлик. Бу оппозиция остидаги ўзига хос артикуляр хусусиятларнинг сонига асосланган.

1. Агар оппозиция иккита нутқ товушининг артикуляциясида битта фарқга асосланса, у битта фонологик оппозиция хисобланади, масалан. [p]-[t], [pen]-[ten] бўлгани каби.

2. Агар фарқли оппозициядаги товушлар уларнинг артикуляциясида икки хил бўлса, битта икки оппозицион ва иккита бир оппозицион фонемалар йиғиндиси, масалан, [p]-[d], [pen]-[den] сўзларида кўришимиз мумкин.

3. Агар учта артикуляр фарқ бўлса, оппозиция уч ёки учта бир оппозициянинг йиғиндиси, масалан. [p]- [ð], [peɪ]-[ðeɪ].

Америкалик дескриптивистларининг энг ғайратлиси бўлган, Зеллиг Харрис, дистрибутив усулни ягона илмий усул деб таъкидлайди. Шу билан бирга, улар семантик усулни илмий эмас деб эълон қиладилар, чунки

семантик усул тилшунослик учун ташқи маъно жихатдан ўрганади деб ҳисоблашади. Дескриптивистлар фонемик таҳлилни тилдаги бирликларнинг фонема, морфема каби турли ўринларда ишлатилишини ўрганган ҳолда кўриб чиқадилар. Улар дистрибутив усулини қатъий қўллаш орқали тилнинг фонемаларини кашф қилиш мумкин деб ҳисоблашади. Бу фонемик ва аллофоник тарқалиш қонуниятларига мувофиқ инглиз тили ўз она тили бўлганлар томонидан айтилган барча товушларни фонемага гуруҳлаш демакдир.

Турли хил фонемаларнинг аллофонлари бир хил фонетик контекстда юзага келади. Бундай ҳолда уларнинг тарқалиши бир бирига зиддир.

2. Бир хил фонемаларнинг аллофонлари бир хил фонетик контекстда ҳеч қачон пайдо бўлмайди. Бундай ҳолда, уларнинг тарқалиши бир-бирини тўлдиради.

2.3. Ўзбек тили вокализм тизимининг фонетик ва фонологик жиҳатлари

Хар иккала тилнинг ҳам вокализм тизими бир биридан фарқ қилади. Биз вокализм тизимига юқорида бир неча маротаба тўхталдик. Вокализм тизими бу унли товушлар системасини ўрганувчи бўлим эканлигини билиб олдик. Унли товушларнинг тавсифланиши ундош товушлардан бирқанча фарқловчи жиҳатларга эга. Бошланғич билимларимиздан биламизки, унлитовушлар деб бир товушнинг талаффузи жараёнида ҳеч қандай тўсикқа учрамаслигига айтилади. Ундош фонемаларни таснифлашга асос бўладиган белгилар билан унли фонемаларни таснифлашга асос бўладиган белгилар бир хил эмас. Ҳатто унли фонемаларни таснифлашда ҳам тадқиқотчилар унлиларнинг турли хил белгиларига таянганининг гувоҳи бўламиз. Фонетика товушлар билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганар экан, демак, товушлар ҳосил бўлишида бевосита иштирок этувчи нутқ органлари, уларнинг вазифалари, нутқда содир бўлувчи товуш ўзгаришлари ва уларнинг сабаблари, нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлиниши ва унинг аҳамияти ҳамда тилнинг товушлар тизимини ўрганиш унинг вазифасига киради. Ҳар бир тил ўз фонетикасига эга. У шу тилдаги товушларнинг ҳосил бўлиши ва талаффузининг ўзига хос хусусиятларини, унинг таснифи билан боғлиқ масалаларни ўрганади, талаффуз ва ёзув муносабатларини ҳамда урғу ва бўғин хусусиятларини текширади.³⁶

Тилнинг товуш системасини ўрганишда кўйилган вазифаларига кўра фонетиканинг а) умумий фонетика, б) тарихий фонетика, в) қиёсий фонетика, г) тавсифий фонетика, д) экспериментал фонетика каби турларияжратилади.

Умумий фонетика турли типдаги тилларнинг нутқ товушларининг хилма-

³⁶ Ш. Абдурахмонов, И. Ў. Дарвишов “Ҳозирги ўзбек тилидан (фонетика) амалий машғулотлар ишланмаси

Хиллигини ўрганувчи бўлим. Умумий фонетика сифат жиҳатдан турли тилларда инсон нутқ аппаратининг товуш ҳосил қилиш имкониятларини, нутқ органлари ёрдамида товушларни ҳосил қилиш усуллари ва улардан нутқда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш каби масалалар билан шуғулланади. У алоҳида ва қариндош тилларнинг фонетик системасини батафсил ва чуқур ўрганиш ҳамда натижаларни умумлаштириш асосида ҳосил қилинади.

Демак, тилларнинг фонетик хусусиятлари қанчалик чуқур ва изчил ўрганилса, умумий фонетика учун манба шунчалик бой бўлади.

Тарихий фонетика маълум бир тилнинг товуш системасини тарихий Ривожланишда ўрганади, яъни тил тараққиётининг турли даврларида товуш системасидаги тарихий ўзгаришларни, уларнинг ўзгариш сабабларини текширади. Жонли сўзлашув нутқи, қариндош тиллар тадқиқи натижасида олинган натижалар, тил тараққиётининг турли даврларига мансуб ёзма ёдгорликлар тарихий фонетика учун манба бўлади.

Қиёсий фонетика қариндош тилларнинг товуш системаси муносабатларини ўрганади. Масалан, туркий тилларнинг қиёсий фонетикаси, славян тилларининг қиёсий фонетикаси каби.

Тавсифий фонетика ёки фонология маълум бир тил тараққиётининг маълум бир даври оралиғидаги товуш системасини ўрганиш билан шуғулланади. Илмий-тавсифий фонетика товушлар динамикаси билан ҳам шуғулланади, у тилнинг фонетик системасини ҳосил қилишда тил тарихини четлабўтмайди.³⁷

Ўзбек тилшунослигидаги адабиётларда унлиларнинг кўпроқ уч белгисига асосан таснифи учрайди:

- 1) пайдо бўлиш ўрнига кўра (олд қатор – орқа қатор);
- 2) оғизнинг очилиш ва тилнинг кўтарилиш даражасига кўра (кенг – ўрта кенг – тор);
- 3) Лабнинг иштирокига кўра (лабланган - лабланмаган).

³⁷Решетов В.В. Узбекский язык. –Т., 1959.

Ҳозирги ўзбек адабий тили унли фонемаларининг икки белги асосида таснифланиш мақсадга мувофиқ:

- 1) оғизнинг очилиш даражасига кўра: кенг, ўрта кенг (ўрта тор), тор;
- 2) лабнинг иштирокига кўра: лабланган, лабланмаган.³⁸

Шуни таъкидлаш керакки, туркий тилларнинг вокализмига бағишланган барча тадқиқотларда қатор белгиси ва лаб иштироки белгиси унлиларни тасниф қилиш учун фарқловчи белги сифатида қараб келинади.

Фақат Э.Умаровгина бундай тасниф асосига эътироз билдиради. Проф. Э.Умаров ўз мақоласида ёзади: “Асримизнинг бошида, туркий ёдгорликларни нашр қилмоқчи бўлган олимлар олдида унли товушларни қандай акс эттириш керак, деган муаммо пайдо бўлади.

В.В.Радлов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар туркий тилларга каттиқлик-юмшоқлик хос, шунинг учун бу тиллардаги унлиларни тил олди, тил орқа товушларига ажратиб кўрсатиш керак, деган фикрни ёқлаб чиқдилар ва ўзишларида ана шу қоидага амал қилдилар. Хўш, бу таклиф туркий, жумладан, ўзбек тилига мос келадими? Деган савол туғилади. Бизнингча, бунга ҳеч иккиланмасдан “йўқ” деб жавоб бериш керак”. Проф. Э.Умаров ўзбеклар юқоридаги унлиларни ҳақиқатан тилнинг олдида ёки орқасида талаффуз қиладиларми, яъни ўзбеклар тилнинг олди ёки орқаси билан гапирадиларми деган савол қўйиб, ўзлари унга ҳеч иккиланмай “йўқ” деб жавоб бериш кераклигини баён қилади.

Муаллиф иккинчи мақоласида унлиларни оғизнинг очилиш даражасига ва лабнинг иштирокига кўра тасниф қилиш ўринли эканлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, туркий тиллар учун палатал ва лабиал сингармонизмнинг хослиги, палатал гармонияда унлилар қаторга кўра оҳанглашуви ҳеч кимда эътироз туғдирмайди. Ўзбек адабий тилининг ҳозирги даври учун гарчи сингармонизм амал қилмасда, лекин ўзбек

³⁸Ш.Абдурахмонов, И.Ў. Дарвишов “Ҳозирги ўзбек тилидан(фонетика)амалий машғулотларишланмаси.

шеваларида сақланиб келаётганлиги деярли барча шевашунос олимлар томонидан эътироф этилади. Шу билан бирга, қаторга кўра зидланишни ўзида сақлаб келаётган ўзбек шеваларида бир ўринда қатор бўйича коррелятларнинг ўзаро алмашилиб маъно фарқлаши мавжудлиги қаторни унлилар учун фарқловчи белги сифатида ажратишга имкон беради. Масалан, Андижон шевасида **ўт**(организм) –**ўт**(майса, олов), **ўр**(ўтни ўрмоқ)-**ўр**(сочни ўрмоқ),**ўз**(олмош)-**ўз**(босиб ўтмоқ),**ун**(овоз)-**ун**(ғалланинг тортилгани).

Фонологик сатҳ умумийлик-хусусийлик, инвариант-вариантликни белгилаш дастлаб алифбо тизимини яратган қадимги финикийларда пайдо бўлган. Чунки харф товуш вариантларига қараб эмас, балки товуш типларига қараб белгиланади. Ёзув тарихи билан шуғулланувчи деярли барча тилшунослар илк фонографик ёзувда ҳар бир харф муайян бир фонемани ифода этганлигини эътироф этадилар. Дастлаб эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликдаёқ қадимги финикийлар 22 та ундош ва бир унли учун харф белгиланган эканлар, кейинчалик наботийлар ўзларининг тилларига мослаб яна олтига харф қўшиб, харфлар сонини 28 тага етказган эканлар.³⁹ Демак, улар чексиз талаффуз қилинувчи товушларни маълум типларга бирлаштириш ҳақидаги тасаввурга эга бўлганлар. Акс ҳолда, фонографик ёзувни ихтиро қилолмаган бўлардилар. Бу шуни кўрсатадики, эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликдаёқ амалий эҳтиёж билан Шарқда, Арабистон ярим оролида, Фаластинва Финикия мамлакатларида тилшунослик, унинг фонетика ва фонология қисми ривожланган. Бу анъана қадимги Ҳиндистонда ҳам, Марказий Осиёда ҳам, Греция ва Румо ўлкаларида ҳам давом этган. Жумладан, қадимги ҳиндлар товушлар типини ифодаловчи **шпота** атамасини ҳам ишлатганлар.⁴⁰

Араб тилшунослигида фонетика соҳасида қўлга киритилган ютуқлар туркий тилшуносликка ҳам ўтди. Чунки туркий тилшунослик ислом динини

³⁹Баскаков Н.А. Сравнительно-типологическая фонология тюркских языков. –

Москва: Наука, 1988.

⁴⁰Турсунов У. «Ҳозирги ўзбекадабий тили». Тошкент, 1975.

олиб келган араб тилшунослиги бағрида ривожланди. Хусусан, Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида туркий тилларнинг ўзига хос фонетик тизими, араб график системасидаги кўп синфларнинг туркий тил фонетик бирликларига мувофиқ келмаслиги ҳақида фикр юритилади.⁴¹

Н.С.Трубецкой асос солган фонологик йўналиш, Л.В.Щерба асос солган Ленинград фонологик мактаби, А.А.Реформатский, Аванесов, Сидоров, Дмитриевлар томонидан асос солинган Москва фонологик мактаблари кўпчилик томонидан эътироф этилади. Фонология соҳасида яратилган кейинги барча асарлар юқорида санаб кўрсатилган у ёки бу фонологик мактабнинг ғоялари билан боғланади.

Ҳар уч мактаб келиб чиқиш илдизига кўра бир манбага -Бодуэн де Куртенэга бориб тақалади. Бу концепциялар Бодуэннинг фонема ҳақидаги икки хил қарашидан қайси бирига асосланиш орқали вужудга келган. Бу нуқтаи назардан Н.С.Трубецкойнинг фонологик концепцияси билан Ленинград фонологик мактабининг қарашлари бир-бирига анча яқин келади. Ҳар иккиси фонемани қуршовдан ажралган ва унга боғлиқ бўлмаган потенциал умумий birlik, фарқловчи белгилар умумлашмаси сифатида талқин қилади. Шунинг учун ҳам ҳар икки йўналиш ижтимоий-руҳий, имконият тарзидаги фонемани нутқ занжирида сезги аъзоларимизга таъсир этадиган реал акустик элементларга, бошқача айтганда, умумийликларни хусусийликларга қарама-қарши кўяди.⁴² Гарчи хусусийликлар бу икки йўналишда икки хил атамалари билан – Прага лингвистик мактабида **вариант**, Ленинград фонологик мактабида **оттенка** атамалари билан номланса ҳам, лекин улар аслида бир нарса ҳақида фикр юритадилар. Шунинг учун Прага лингвистик мактаби қарашларини ҳамда Ленинград фонологик мактаби қарашларини бир гуруҳга бирлаштирган ҳолда, уларни

⁴¹Баскаков Н.А. Сравнительно-типологическая фонология тюркских языков. –Москва: Наука, 1988.

⁴²Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбекадабий тили. Тошкент, 2005.

Москва фонологик мактабига қиёслаган ҳолда фонема мақомини белгилаш мезонлари ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.⁴³

Л.В.Щерба фонемани ажратиш учун товушнинг артикуляцион-акустик хусусияти эмас, балки маъно фарқлаш хусусияти муҳим эканлигини таъкидлайди. Акустик-артикуляцион жиҳатдан турлича товушлар бир умумий белгиси билан бошқа шундай товуш типларидан ажралиб туради. Ана шундай умумий белги маъно фарқлаш хусусияти саналади. Л.В.Щерба фонологик сатҳ умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг фонема ва унинг оттенкаларида намоён бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича, умумийнинг(фонеманинг) талаффуз қилинган реал кўринишлари оттенкалардир. Бевоситакузатишда берилган, муайян макон ва замонга боғлиқ реал талаффуз қилинувчи барчаакустик - артикуляцион бирликлар оттенкалар саналади.Бундан кўриниб турибдики, фонема ва унинг оттенкалари ўртасидаги муносабат икки босқич муносабатидир: абстракт босқич(фонема), конкрет босқич (оттенка).Унинг фикрича, фонеманинг оттенкалари ичида биттаси турли сабабларга кўра типик бўлади. Алоҳида талаффуз қилинган оттенка ана шундай типик оттенка ҳисобланади, фақат шу оттенка реал нутқий элемент сифатида тилга олинади. Бошқа оттенкалар эса типик оттенкаларга нисбатан турли ўзгаришлар билан талаффуз қилинади. Бу вақтда уларни бирлаштириб турувчи белги нима? Бу белгини Л.В.Щерба бир фонетик шароитда бири ўрнида иккинчиси кела олмаслик белгиси санайди. Маълум бир шароитда бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлган оттенкалар бир фонеманинг эмас, турли фонеманинг оттенкалари саналади.⁴⁴ Бир фонеманинг оттенкалари эса ҳеч қачон бир шароитда бири ўрнида иккинчиси кела олмайди. Шундай қилиб, фонема - бу, бир томондан, барча оттенкаларнинг умумлашмаси, иккинчи томондан, ҳар

⁴³Зиндер Л.Р. Общая фонетика. –М.: Высшая школа, 1979.

⁴⁴Решетов В.В. Узбекский язык. –Т., 1959.

кайси оттенка конкрет ҳолларда шу фонеманинг вакили ҳисобланади. Фонема оттенкаларибир фонема доирасида бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Оттенкалар умумлашмаси (фонема) бошқа оттенкалар умумлашмасига (фонемага) қарама-қарши қўйилади. Шунинг учун ҳам Л.В.Шчерба фонемани қисқа қилиб “конкрет вазиятда оттенкалар сифатида намоён бўладиган умумлашмадир” деб изоҳлайди. Англашиладики, Ленинград фонологик мактабида фонемалар бир-бирига қарама-қарши қўйиш асосида белгиланади. Ўзаро қарама-қарши муносабатда бўлувчи икки минимал birlik қарама-қарши аъзолар саналади. қарама-қарши муносабатдаги аъзолар бир қатор белгиларга эга бўлиб, шулардан биттаси фарқловчи, қолганлари фарқланмайдиган (нодифференциал, иррелевант) белгилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фонема фарқловчи белгилар умумлашмаси сифатида тавсифланади. Прага лингвистик мактабида ҳам зидланишлар асосий мезон саналади. Зидланишлар оппозициялар атамаси билан номланади. Хусусан, Н.С.Трубецкой фонологик системани лексик ва грамматик маъноларни фарқлаш учун хизмат қиладиган фонологик оппозициялар мажмуаси сифатида талқин қилади. У фонологияда асосий ролни фарқловчи белгилар ўйнашини таъкидлайди. Фонема худди Ленинград фонологик мактабидаги каби абстракт birlik саналади. Фонема нутқ жараёнида турлича ўзгаришлар билан моддийлашиши мумкинлиги кўрсатилади. Нутқ жараёнида турлича акустик-артикуляцион хусусиятга эга бўлган реал товушлар муайян фонеманинг вариантлари ҳисобланади. Кўринадики, Ленинград фонологик мактабидаги оттенка Прага фонологик мактабидаги вариант атамаси билан номланади. Л.В.Шчерба оттенкаларни турли белгиларига кўра тасниф этгани каби, Н.С.Трубецкой ҳам вариантларни гуруҳлаб, уч синфга ажратади:

- 1) мажбурий вариантлар;
- 2) факультатив вариантлар (диалектал вариантлар);
- 3) индивидуал вариантлар.⁴⁵

⁴⁵Турсунов У. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1975.

Мажбурий вариантларнинг ўзи яна уч гуруҳга бўлинади:

а) позицион вариантлар; б) комбинатор вариантлар; в) услубий вариантлар. Кўриниб турибдики, Ленинград фонологик мактаби билан Прага лингвистик тўғарагининг фонологик концепцияси бир-бирига жуда яқин. Ҳар иккаласи ҳам фонемани абстракт бирлик сифатида, фарқловчи белгилар умумлашмаси сифатида талқин этади. Ҳар иккаласи ҳам абстракт хусусиятга эга бўлган фонемани нутқ жараёнида реал қўлланувчи вариантлар ёки оттенкаларга карама-қарши қўяди. Фонеманингбундай талқини умумийлик-хусусийлик, имконият-воқелик, моҳият-ҳодиса диалектикасини фонологик сатҳ намоён қилади. Москва фонологик мактабида эса фонемага бошқачароқ ёндашилади. Уларнинг фикрича, фонема маълум автономликка эга бўлган, сўз ва морфеманинг товуш қобиғига боғлиқ бўлмаган мустақил бирлик эмас, балки сўз ва морфемаларнинг таркибий элементи ҳисобланади.

Ўзбек тили фонологиясининг шаклланишида Е.Д.Поливанов,Ғ.Юнусов, А.Ғулом, В.В.Решетов, А.М.Шчерба, Ф.Абдуллаев, Ш.Шоабдурахмонов, А.Маҳмудов, С.Отамирзаева, Э.Умаров, А.Нурмонов каби тилшуносларнинг хизмати катта бўлди. А.А.Абдуазизов эсаўзбек тили фонемаларини парадигматик ва синтагматик аспектда махсус ўрганиб, ўзбек тили фонологиясни юқори чўққига кўтарди.⁴⁶У ўзбек тилшунослигида биринчи марта нутқнинг ҳар бир фонетик бўлинишида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлишини очиб берди, уларни фарқловчи махсус атамалар тизимини ўзбек тилшунослигига Европа тилшунослигидан олиб кирди. Аввало, фонемалар артикуляцион-акустик ва функционал жиҳатдан икки катта гуруҳга бўлинади: 1) унлилар, 2) ундошлар. Ҳар икки гуруҳ юқоридаги уч белгига кўра ўзаро зидланади. Биринчи белгисига кўра фонемалар талаффуз қилинганда, нутқ органларининг оғиз бўшлиғининг маълум бир жойида бир-бирига яқинлашиши, ҳаво оқимининг тўсиққа учраш-учрамаслиги эътиборга олинади. Тўсиққа учрайдиганлар

⁴⁶Шоабдурахмонов Ш. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980.

ундош, тўсиққа учрамайдиганлар эса унлилар саналади. Иккинчи белгисига кўра фонемалар овоз ёки шовқиндан иборатлиги эътиборга олинади: овоздан иборат бўлса унлилар, шовқиндан иборат бўлса, ундошлар ҳисобланади.

Бу белгига биноан сонорлар ҳам унлилар билан бир гуруҳни ташкил қилади.

Учинчи белгига кўра бўғин ҳосил қила олишлик ёки қила олмаслик белгиси ҳисобга олинади: бўғин ҳосил қиладиганлар, бўғин ҳосил қилмайдиганлар.

Унли фонемаларнинг фарқловчи белгилари билан ундош фонема-ларнинг фарқловчи белгилари бир хил эмас. Шунинг учун унли ва ундош фонемалар системаларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлишини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш лозим. Аввалги бериб ўтилган маълумотларда ҳозирги ўзбек адабий тили унли фонемаларининг икки белги асосида таснифланиши мақсадга мувофиқ:

1) оғизнинг очилиш даражасига кўра: кенг, ўртакенг (ўрта тор), тор;

2) лабнинг иштирокига кўра: лабланган, лабланмаган.

Лекин ўзбек шеваларида учинчи белги – қатор белгиси ҳам фарқловчи белги саналади. Туркий тилларда унлиларнинг энг муҳим фарқловчи белгиларидан бири кенглик-торлик, яъни оғизнинг очилиш даражасига хос белгидир. Бу белгисига кўра унлилар бир қатор туркий тилларда, хусусан, ёқут, олтой, карагас, тува, қирғиз, болқор тилларида икки босқичли оппозицияни ташкил қилади: **а,(а), о, о** - кенг (компакт), **и, и, у, у** - тор (диффуз).

Унли фонемаларнинг сони уларнинг миқдорий белгисига кўра зидланишини ҳисобга олмаганда, юқоридаги тилларда саккизта саналади.

Ўзбек тили фонетикасига оид тадқиқотларда уч босқичли зидланиш мавжудлиги кўрсатилади:

кенг а о

ярим кенг э ў

тор и у

Унли фонемаларнинг уч босқичли зидланиши деярли барча ўзбек тилшунослари томонидан эътироф этилсада, лекин бу уч босқичли зидланишни ташкил этаётган унли фонемаларнинг миқдори масаласида

тилшунослар ўртасида бир хиллик йўқ. Кўпчилик тилшунослар Е.Д.Поливанов томонидан кўрсатилган олтига фонема борлигини тан оладилар. Фақат профессор М.Миртожиев ўзбек адабий тилидаги унлиларнинг олтигадан кўп эканлигини кўрсатади. Шунингдек, фонема назарияси яратилгандан буён биринчи планда саналиб келинаётган фонеманинг функционал томони рад этилади. Хусусан, муаллиф ёзади: “Инсон товушининг икки асоси бор: 1) акустик асос 2) биологик асос. Баъзи адабиётларда яна лингвистик асос ҳақида ҳам гап боради. Бунда эса товушнинг нутқдаги вазифа томони назарда тутилади. Бироқ товуш нутқда вазифа бажармайди, балки нутқ мазмунининг энг кичик бўлаги бўлган фонеманинг шакли ҳисобланади”. Одатда, Ленинград фонологик мактаби вакилларидан бошқа барча тилшунослар фонемага сўз ва морфемалар таркибида келиб, уларнинг маъносини фарқлаш учун хизмат қиладиган ва ўзи маънога эга бўлмаган бир ёқлама бирлик сифатида қарайдилар, бу билан фонемани икки ёқлама бирликлар – морфема ва лексемаларга қарама-қарши кўядилар.

Ўзбек тилшунослигида ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари миқдори масаласида икки хил фикр мавжуд. Биринчи фикрга кура адабий тил унлилари олтига: *и, э, а, у, ў, о*. (Бу фикр тарафдорлари қаторида Е.Д. Поливанов, А.К. Боровков, В.В. Решетов, А.Ф. Фуломов, Ш. Шобдуррахмонов, Ф. Камолов, А. Махмудов, С. Отамирзаева, А. Абдуазизов, А. Нурмонов, Ш. Рахматуллаев ва бошқалар бор). Иккинчи фикр тарафдорларининг (Х. Дониёров, Б. Туйчибоев, М. Валиевларнинг) таъкидлашича, ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмида эски ўзбек адабий тилига ва ҳозирги кипчок лахжаларига хос булган контраст жуфтликлар (*и-ы, э-а, у-ў, о-о*) мавжуд, шундан келиб чиқиб, адабий тил вокализми ва алифбо масалалари қайта кўриб чиқилиши алифбога қўшимча харфлар

киритилиши керак.⁴⁷ Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, таълим тизимининг барча босқичлари учун яратилган қуйидаги адабиётларида узбек адабий тилининг вокализмига оид маълумотлар биринчи фикрга олти унлили тизимга асосланган, аммо уларнинг таснифларида маълум тафовутлар ҳам бор. Юқорида бу ҳақида маълумотлар бериб ўтилган бўлсада, янада кенгрок тўхталиб ўтишга қарор қилдик.

Кўп манбаларда ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари қуйидагича тасниф қилинади:

1. Лабларнинг иштирокига кўра:

а) лабланган унлилар - *у, ў, о*. Бу унлиларнинг талаффузида лаблар доира шаклига кириб, олдинга чузилади;

б) лабланмаган унлилар - *и, э, а*. Бу унлиларнинг талаффузида лаблар доира шаклига кирмайди ва чузилмайди.

Демак, бу белгилар асосида ҳозирги ўзбек адабий тили унлилари *и-у* (лабланмаган - лабланган), *э-у* (лабланмаган - лабланган), *а-о* (лабланмаган-лабланган) оппозицияларини ҳосил қилади ва кагор минимал жуфтликларда (квазиомонимларда) фонологик ахамиятга эга булади: *бир-бур, бер-бур, бар-бор, ин-ун, эн-ун, ана-она* каби.

Тилнинг вертикал (тик) ҳаракатига кура:

а) тор унлилар - *и, у*. Бу унлиларнинг талаффузида оғиз тор очилади, тил билан катгик танглай ораси ҳам тор булади;

б) урта кенг унлилар - *э, у*. Бу унлиларнинг талаффузида оғиз урта даражада очилади, тил билан катгик танглай ораси ҳам уртача кенгликда (юкори кутарилиш билан қуйи к>тарилиш орасида) булади;

в) кенг унлилар - *а, о*. Бу унлиларнинг талаффузида о т з юкоридаги ҳар икки ҳолатдан кенгрок очилади.

Таснифнинг бу белгисига кура лабланмаган унлилар *и-э* (юкори тор ва урта

⁴⁷ Данияров Х. «Опыт изучения лжекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком.» Ташкент: ФАН, 1975. С. 103, 224, 225.

кенг), э-а (урта кенг ва куйи кенг), и-а (юкори тор ва куйи кенг) оппозицияларини, лабланган унлилар эса у - у (юкори тор ва урта кенг), у - о (Урта кенг ва куйи кенг), у-о (юкори тор ва куйи кенг) оппозицияларини хосил килади ва катор минимал жуфтликларда фонологик вазифа бажаради: *бир-бер, бер-бар, бир-бар; бур-бур, бур-бор, бур-бор* каби.

Тилнинг горизонтал (ётиқ) харакатига кура:

а) олд катор унлилар - *и,э,а*. Бу унлиларнинг талаффузида тилнинг учки кисми олдинга томон чўзилиб, пастки тишларга тиралади; б) орка катор унлилар - *у,ў,о*. Бу унлиларнинг талаффузида тилнинг учки кисми бир оз оркага тортилади (демак, у пастки тишларга тиралмайди).⁴⁸

Юқорида таъкидланган фикрлардан келиб чикиб, бу икки тилнинг вокализм тизими миқдор жихатдан ҳам сифат жихатдан ҳам жуда кўп тафовутларга эга эканини англаб олдик. Ўзбек тилининг вокализм тизими саккизтадан ўнтагача унли фонемага эга бўлганлиги тўғрисида бир қанча маълумотлар илгари сурилди. Мазкур фонемаларнинг тарихан чўзиқ ва қисқа вариантлари мавжуд бўлганлигини ҳисобга олсак, уларнинг сони қарийб йигирматача бўлган. Бу ҳолат ўзбек тили вокализм тизими тарихан мураккаб тузилиш касб этгани бизга маълум бўлди.

Бугунги кунга келиб, ўзбек тили унлилар тизими сифат ва миқдор жихатдан анча соддалашганини ҳам тушуни болдик. Ҳозирги ўзбек адабий тили унлилар тизимида олти унли фонема мавжуд бўлиб (л, в, е, и, о, о'), улар миқдор белгисига (чўзиқ-қисқа) кўра ўрта чўзиқликдаги, яъни чўзиқ ҳам, қисқа ҳам бўлмаган товушлар ҳисобланади. Ўзбек тилининг тарихий таракқиётида сингармонизм ҳодисасининг емирилиши билан унлиларнинг чўзиқ ва қисқа кўринишлари умумийлашиб, ўрта чўзиқликдаги фонема юзага келган. А. Абдуазизовнинг фикрича, ўзбек тили унлилар оппозицияларини

⁴⁸ Ўзбек тили унлиларининг фонологик белгилари хусусида: Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 65-66-бетлар. Нурмонов А.. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 15-17-бетлар.

бир йўла нечта фонологик белги билан фарқлана олишига кўра қуйидагича тасниф қилинади:

а) бир фонологик белги билан фарқланувчи оппозиция – тилнинг кўтарилиши ёки лабнинг иштирокига кўра фарқланиш: /i-ʊ/, /e-oʻ/, /a-ɒ/ – лабланмаган-лабланган оппозицияси; /i-e/, /ia/, /e-a/, /oʻ-ʊ/, /oʻ-ɒ/, /ʊ-ɒ/ – тилнинг кўтарилиш даражаси билан боғлиқ оппозиция; б) икки фонологик белги билан фарқланадиган оппозиция – тилнинг кўтарилиши ҳамда лабнинг иштирокига кўра икки белги билан фарқланиш: /i-oʻ/, /i-ɒ/, /e-ʊ/, /e-ɒ/, /a-ʊ/, /a-oʻ/.⁴⁹ Бир қанча тадқиқотлар натижасида, оппозициялар унлиларнинг урғусиз ҳолатида ҳам ўз мавқесини сақлаб қолиши аниқланди.

Демак, ўзбек тилидаги унлилар урғули ҳолатда ҳам, урғусиз ҳолатда ҳам бир белги билан фарқланувчи тўққизта оппозицияга, икки белги билан фарқланувчи олти та оппозицияга эга бўлиши маълум бўлди.

⁴⁹ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68.

III БОБ. Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида фонологик изоморфизм ва алломорфизм

3.1. Чоғиштирилаётган тиллар вокализм тизимида фонетик ўхшаш ва фарқли жихатлар

Инсон нутқи замон ва маконда кетма-кет пайдо бўладиган кичик ва катта бирликлардан ташкил топади. Тилда уч асосий қатлам – фонетика, лексика, грамматика (агар грамматика морфология ва синтаксисга аржатиб, - 4 қатлам) фарқланиб, улар ўз олдига қўйилган вазифага кўра нутқни таркибий қисмларга ажратади. Товушлар талаффузи нутқ органларига боғлиқлиги туфайли фонетика нутқ аппаратини ҳам ўрганишни назарда тутди. Фонетик хихатдан нутқ тўрт таркибий қисм: жумла, такт, бўғин, ва товушга ажралади. Фонетика ана шу тўрт бирликни тилда тутган ўрни, тури ва хусусиятларини ўрганади. Юқорида айтилганидек, нутқ фонетик жихатдан фраза, такт, бўғин ва нутқ товушларига ажратилади. Грамматика ҳам нутқнинг таркибий булақларга ажратади: гап, сўз бирикмаси (фраза), сўз ва морфемаларга, гарчи хар икки қатлам нутқнинг сон нуқтаи назаридан бир хил булса ҳам, сифат жихатдан улар бир-бирига мос келмайди.⁵⁰

Юқорида икки бир-бири билан грамматик, синтактик, фонетик ва яна кўплаб жихатдан фарқ қилувчи тилларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини тахлил қилинди. Шу ўринда мана шу икки тилнинг яъни, инглиз ва ўзбек тилларининг вокализм тизимидаги фонетик ҳамда фонологик изоморфизм ва алломорфизм ҳақида янада тўлиқроқ ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб изоморфизм ҳақида, унинг келиб чиқиши, лингвистикага қандай алоқаси борлиги ҳақида сўз юритамиз. Бу атамани Польшалик тилшунос Е.Курилович лингвистикага киритган ҳисобланади. М.В. Панов ўзининг изоморфизм ҳақидаги мақоласида бу атама математик атамадан олинганлигини, яъни (юнонча. "изос" - тенг, бир хил, ўхшаш, ва "морф" -

⁵⁰ М. Ирискулов «Тилшуносликка кириш» тошкент «ўқитувчи» 1992 б 22-23

кўриниши, тасвири, ташқи кўриниши, лот. шакл), деган маънода кўлланилишини, лингвистик жиҳатдан эса метафорик шаклда ўхшашликни белгилаш, тилнинг сифат жиҳатидан ҳар хил birlikлари таркибидаги тасодифий бўлмаган ўхшашликларни ифодалашини таъкидлайди. Унинг фикрича, изоморфизм табиий равишда тилнинг барча томонларини бирлаштирадиган қонуниятларни, унинг яхлитлигини яратадиган хусусиятларни излаш орқали пайдо бўлди.⁵¹ Бу жараён бир-бирига ўхшашликни яратишга уринишдир.

Е.А. Макаев изоморфизмни «структуранинг бир хиллиги» деб таърифлайди.⁵² Е.А.Макаев изоморфизмни турли даражадаги тил birlikлари тузилишининг таркибий бир хиллиги сифатида белгилайди, уларнинг натижаси турли даражадаги ушбу birlikлар ўртасидаги бир хил тури бўлиши ёки бўлиши мумкин бўлган муносабатларидир. Изоморфизмни бундай тушуниш, Е. А. Макаевнинг фикрига кўра, тил тузилишининг хусусиятларини акс эттиради ва унинг турли даражалари билан боғлиқ. Бу турли даражадаги birlikларнинг бир хил турдаги тузилишини аниқлашга ёрдам беради, масалан чекланмаган сонли инвариантлар, барча даражадаги birlikлар томонидан шаклланган парадигмалар мавжудлиги; типологик грамматиканинг қурилиши билан боғлиқ бўлган тилнинг турли даражаларини қайта қуриш имконини беради. Э. А. Макаев, шунингдек, тил даражаларини тавсифлашда ва уларнинг тузилишининг бир хиллигини белгилашда, тақсимлаш ва трансформацион таҳлил энг самарали бўлади деб ҳисоблайди.⁵³

В.Д.Аракиннинг фикрига кўра, тилни типологик тавсифлашнинг мақсадларидан бири турли тилларнинг изоморфизмини аниқлаш, яъни

⁵¹ Энциклопедический словарь юного лингвиста / Сост. М.В. Панов . 2-е изд., перераб.

и доп. . М.: Флинта: Наука, 2006.

⁵² В. Д. Аракин «Типология языков и проблема методического прогнозирования»

⁵³ https://studopedia.su/20_624_ponyatie-izomorfizma-i-allomorfizma.html

нафақат микросистемаларда, балки қуйи тизимларда ва бир қатор тилларнинг бутун тизимларида ўхшашликларни ўрнатишдир.⁵⁴

"Алломорфизм" изоморфизмнинг акси бўлиб, бу даражани ташкил этувчи тил бирликлари тузилишининг турли типда бўлишига асос бўлади. Демак, изоморфизм тилларнинг ўхшаш томонларини ифодаласа, алломорфизм унинг ноўхшаш бўлган яъни фарқ қилувчи томонларини тадқиқ этади.

Агар биз бир нечта тилларнинг тузилишини таққосласак, масалан, рус, инглиз, ўзбек, немис ва француз тилларида, биз улардан бир қатор умумий хусусиятларни осонгина топамиз. Ушбу тилларнинг ҳар бирида биз унлилар ва ундош товушлар тизими мавжуд эканлигини топамиз. Аммо баъзи тилларда унли фонемалар камроқ ва унли ундош фонемалар мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби баъзан сезиларли даражада фарқ қилади. Бунга ўзбек тилини мисол қилиб келтириш мумкин, унда узунлик ва қисқаришда фарқ қилмайдиган фақат 6 та унли фонемалар ва 20 та ундош фонемалар мавжуд. Таққосланадиган тилларнинг яна бири инглиз тили бўлиб, унда биз нафақат узун ва қисқа белгисига эга бўлган 10 та монофтонг ([ɪ, ε, æ, α:, ə:, ɒ, ʊ, ʌ, ɜ:, ə]), 2 та дифтонгоид ([i:], [u:]), 8 та дифтонг мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бу каби кўплаб унли фонемаларнинг акси 25 та ундош фонемалардир. Бошқа тилларнинг, яъни инглиз, ўзбек ёки рус тилларидан анча узоқ турадиган тилларнинг ҳам ўзининг унли ва ундош фонемаларига эга эканлиги аниқ. Бошқача қилиб айтганда, биз унли ва ундош товушларга эга бўлмаган тилни тасаввур қила олмаймиз. Шундай қилиб, унли товушлар тизими ва ундошлар тизимининг тил тузилишида мавжудлиги умумийликни, универсал характерни ифодалайди.

Ўзбек тили унли товушлари талаффузидаги нутқ органларининг ишлатилиши ва Инглиз тили унли товушларининг талаффузидаги нутқ органларининг иштирокига кўра ўхшаш ва фарқли жихатлари учрайди.

⁵⁴ <https://ru.wiktionary.org/wiki/>

Юқорида бу жихатларга таъриф берилган. Мисол учун иккала тилда ҳам товушлар оғиз бўшлиғида маълум бир тўсикка учрамай талаффуз этилади. Лекин Ўзбек тили вокализм тизимида Инглиз тилидаги каби дифтонглар ёки дифтонгоидлар мавжуд эмас. Урғунинг қўлланилишига кўра ҳам фарқлануши жихатлари мавжуд. Бу тилда урғусизлик унлини тўлик ўзгартириб юбормайди. Натижада урғули ва урғусиз ҳолатда ўзбек тилидаги унлиларнинг сони ўзгармайди, уларнинг сифат ва миқдорий белгилари фарқланади, холос.⁵⁵ Урғусиз унлининг урғули унлига нисбатан қисқа талаффуз қилиниши ўзбек тилига ҳам хосдир. Унлиларнинг урғусиз ҳолатда қисқа талаффуз қилинишига бир нечта фонетик омиллар жумладан, редукция, бўғин тури, ёндош товушлар, унлиларнинг сўздаги ўрни ва бошқалар таъсир кўрсатади. Редукция умуман товушга хос ҳодиса сифатида унлига ҳам, ундошга ҳам таъсир қилиши мумкин. Ундош товушлар редукцияси кўпроқ туркий тилларда учрайди. Бу ҳолатда ундошларнинг жарангсизланиши тушунилади: *туб* [tʊp], *қад* [qɑt], *барг* [bɑrk] ва ҳ.к. Одатда урғусиз ҳолатда юзага келадиган редукция ўзбек тилида баъзи урғули унлиларда ҳам учраши аҳамиятлидир.⁵⁶

Илмий томондан ўрганилган тилларнинг аксарият қисмида, масалан, феълнинг ҳозирги замон шакли мавжуд. Аммо инглиз тилида ҳозирги замоннинг икки шакли мавжуд, улар ўзбек, рус, француз ва немис тилларидаги ҳозирги замоннинг битта шаклига зидланади. Шунга қарамай, ҳозирги замон инглиз тили баъзи ўзгаришларга қарамай, универсалдир. Бундан ташқари биз, сўзлари бўлмаган ёки жумлалар мавжуд бўлмаган тилни тасаввур қила олмаймиз. Буларнинг барчаси ва шунга ўхшаш далиллар табиатда универсал лингвистикани ташкил қилиб, барча тилларга хос бўлган тузилишнинг муайян жихатларини акс эттиради. Ҳамма ёки кўп тилларга хос бўлган бундай қонуниятларга лингвистик универсаллар дейилади. Б. А. Успенский томонидан берилган юқоридаги таъриф асосан синхрон тарзда

⁵⁵ Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. – Т., 1947. – Б. 24.

⁵⁶ Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013. – Б. 275.

тилни тавсифловчи универсалларга тааллуқлидир. Шу сабабли универсаллар тавсифловчи ёки мутлақ универсаллар деб номланиши мумкин. Мутлақ универсаллик, барча тилларга хос бўлган қонунлар, уларнинг универсал лингвистик табиати туфайли, бошқа тилларга, масалан, ҳар хил семиотик тизимларга нисбатан фақат тил тизимларига хос бўлган универсалликларни ажратиб кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин. Шунинг учун биз тил белгилари тизимидан фарқли ўлароқ, тилшунослик ва экстралингвистик универсалликлари ҳақида, масалан, у ёки бошқа белгилар тизимига хос бўлган универсаллар ҳақида гапиришимиз мумкин. Ҳар қандай тил алоқаси учун эшитиш-вокал тизими бу универсалликдир. Мулоқотни овозли эмас балки эшитиш орқали амалга оширадиган хайвонлар бундан мустаснодир. Аммо, мутлақ универсаллар индивидуал тиллар ёки тиллар гуруҳларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон бермагани учун, тан олиш керакки, тил ҳодисалари ва ҳодисаларнинг барчаси ҳам эмас, балки тилларнинг аксарият қисмида тақдим этилиши типология учун кўпроқ аҳамият касб этади.⁵⁷

Бир нечта тилларда ўхшаш хусусиятларни (изоморфизм) ёки уларда фарқ қиладиган хусусиятларни (алломорфизм) аниқлаш учун ушбу тилларни бир-бири билан таққослаш ёки, ёки таъкидланганидек, бир-бирларини бошқалари билан солиштириш керак. Ушбу таққослаш билан тиллардан бири ўлчаш воситаси бўлиб чиқади ва таққосланадиган тил ўлчанмиш хисобланади. Шундай қилиб, чет тилни она тили билан таққослаганда, чет тил она тили қийматига нисбатан аниқланадиган ёки тавсифланадиган қиймат бўлади, бу ҳолда шартли равишда ўлчов бирлиги ёки стандарт сифатида олинади. Аммо она тилининг тузилиши бошқача бўлиши мумкин.⁵⁸

⁵⁷ Н.М. Шкурская электронный учебно-методический комплекс по учебной дисциплине «Типология родного и иностранного языков»

⁵⁸ Аракин, В.Д. Типология языков и проблема методического прогнозирования / В.Д. Аракин. – М., 1989.

Тилларнинг типологияси фаннинг махсус тармоғи сифатида чексиз сонли тиллар билан шуғулланади. Бу генетик ўхшашликларга эга бўлган тиллар бўлиши мумкин, масалан, хинд-европа тиллари, бу маълум бир ҳудудда чекланган тиллар бўлиши мумкин, масалан, Болқон тиллари. Ва ниҳоят, булар аниқловчи мезон сифатида қабул қилинган баъзи лингвистик атрибут билан белгиланган тиллар бўлиши мумкин, масалан: фазовий вазиятлар акс эттирилган тиллар ёки қўшимча предикатдан олдин бўлган тиллар ва бошқалар. Юқоридаги маъдумотлардан шу нарса аён бўладики, тилни маълум бир ягона ўлчов бирлигига асосланиб илмий жихатдан тасвирлаш ёки унинг типологиясини таққослаш амалга оширилса аниқ ва катъий характерга эга бўлади.

Б. А. Успенский иккита стандарт тилни - минимал бўлган, "барча характерли (маълум бир йўналишда) тилларнинг (моделларнинг) тўплами-назарий маҳсулоти", яъни барча тиллар учун инвариант модел сифатида "фарқлаш" ни таклиф қилади. Тасвирланган тилларнинг (моделларнинг) барча хусусиятларининг тўплами назарий йиғиндисини англатиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, минимал стандарт ўлчов бирликларига эга бўлган тил тадқиқ этилаётган бошқа тилларнинг типологик аспекти ёки белгиларини бир бири билан боғлаши керак. Аммо мавжуд табиий тилларнинг қайси бири юқорида санаб ўтилган шартларни қондириши мумкин? Б. А. Успенский маълумот беришича, энг содда тузилишга эга бўлган ва барча тилларга хос бўлган инвариант муносабатлари стандарт тил сифатида энг аниқ ва изчил ифодаланган аморф тилларни кўриб чиқишни таклиф қилади.⁵⁹

Бироқ, амалда Н. Н. Коротков кўрсатганидек, аморф тиллар стандарт тил эга бўлиши керак бўлган хусусиятлардан анча мураккабдир. Шу сабабли, ҳозирги вақтда стандарт тил сифатида қўлланилиши мумкин бўлган

⁵⁹ Н.М. Шкурская Учебно-методический комплекс По учебной дисциплине «типология родного и иностранного языков» Для специальности «современные иностранные языки

тилнинг маълум бир тизимини яратишга уринишлар амалга оширилмоқда.⁶⁰ Типологик хусусиятларни аниқлашнинг яна бир усули - турли тилларнинг сўз синфларини таққослаш. Ушбу таққослаш, бошқа синфлар билан мувофиқлигини кўрсатадиган, маълум бир синфнинг эквивалентлик коидаларини қўллаш орқали ҳар бир сўз синфининг маъносини аниқлаш асосида амалга оширилади. Йўналтирувчи тилнинг типологик тадқиқотлар ва фан назариясини ривожлантириш учун муҳимлигини ҳисобга олиб, Ю. В. Рождественскийнинг фикрича, стандарт тил даражасига мос келиши керак бўлган бир қатор хусусиятларни аниқлади:

1. Стандарт тил универсал таърифларни текшириш ва ўрнатиш учун яратилган ва тегишли типологик (асосли) назарияни яратишга таъсир қилади.
2. Тил хусусиятларининг икки турини тавсифловчи иборалар мавжуд: барча тилларнинг типологик фарқларсиз тузилишини тушунтириб берадиган сўзлар ва тилларни ажратиб турувчи универсал тушунчаларга оид иборалар.
3. Стандарт тил типологик назария учун объектив тил ҳисобланади: дунёнинг барча тилларини бир тилда ифодалайди.
4. Стандарт тил дунёнинг барча тилларига хос бўлган ҳамма хусусиятларини ўз ичига олганлиги сабабли, уни баъзи бир типологик инвариант сифатида кўриб чиқиш мумкин, улардан турли тилларнинг типологиясини ўрнатишда қўлланилиши мумкин.
5. Стандарт тил генератив жихатларга асосланади ва одатда белгилардан фойдаланилади.

⁶⁰ Н.М. Шкурская Учебно-методический комплекс По учебной дисциплине «типология родного и иностранного языков» Для специальности «современные иностранные языки

3.2. Чоғиштирилаётган тиллар вокализм тизимида фонологик ўхшаш ва фарқли жихатлар

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, тилни бир бирига солиштириш уни умумий ва фарқловчи хусусиятларини тавсифлаш албатта типологик қоидаларга ҳам бўйсунishi ҳақидаги маълумотларга эга бўлдиқ . Мисол учун, ўзбек ва инглиз тили биринчи навбатта тил оилалари бўйича фарқ қилиши ҳақида сўз юритдик. Ўзбек тили Олтой тиллари оиласининг туркий тиллар туркумига кирувчи тил эканлигини, Инглиз тили эса ҳинд-европа оиласининг герман гуруҳига кирувчи тил эканлигини бошанғич билимларимиздан маълумдир. Бу каби дастлабки жихатлар эса уларнинг грамматикасида бир қанча фарқларга эга эканлигини билдиради. Шунингдек уларнинг фонетик жихатларидаги турли хусусиятлари мавжудлигини ифодалайди.

Бу эса ўз навбатида бир қанча фарқловчи хусусиятларни келтириб чиқаради. Юқорида биз бу тилларнинг фонетик жихатдан яъни товушлар тизими ва фонологик жихатларидаги фарқларни бир қанча манбалар орқали келтириб ўтдик. Уларнинг унли ва ундош товушларга эга эканликлари уларнинг изоморф жихатларидан бири бўлса, товушлардаги миқдор ва сифатдаги фарқи уларнинг алломорф жихатларидан биридир. Юқорида таъкидланганидек бу тиллардаги унли фонемалар, уларнинг позицион кўринишлари ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жихатларни аниқлаш учун мазкур тиллар вокализм тизимини акустик ва орфографик жихатдан ўхшашлигига кўра қуйидаги кичик гуруҳларга ажратиш лозим бўлади:

а) чоғиштирилаётган тилларда акустик ва орфографик жихатдан қисман мос келадиган унли фонемалар: /l/, /e/, /o/, /u/. Улар ёзувда ўзбек тилида бир ҳарф билан, инглиз тилида бир нечта ҳарф ва ҳарф бирикмалари билан ифодаланади;

б) чоғиштирилаётган тилларда акустик жихатдан қисман мос келсада, орфографик жихатдан мос келмайдиган унли фонемалар: /ʌ/. У ёзувда

чоғиштирилаётган тилларда бошқа-бошқа ҳарфлар билан ифодаланади;
в) чоғиштирилаётган тилларда орфографик жиҳатдан қисман мос келса-да, акустик жиҳатдан мос келмайдиган унли фонемалар: ўзбек тилидаги /л/ билан инглиз тилидаги /æ/ товушлари бунга мисол бўлади;
г) чоғиштирилаётган тилларда акустик жиҳатдан ҳам, орфографик жиҳатдан ҳам мос келмайдиган унлилар. Бундай фонемалар фақат бир тилда мавжуд бўлиб, иккинчи тилда мавжуд бўлмаслиги билан аҳамиятлидир. Масалан, ўзбек тилидаги /o/ унли фонемаси инглиз тилида, инглиз тилидаги /ɑ:/, /ɔ:/, /z:/, /ə/, /i:/, /u:/, /ei/, /ai/, /ɔi/, /aʊ/, /əʊ/, /iə/, /εə/, /ʊə/ унли фонемалари ўзбек тилида мавжуд эмас.⁶¹

Юқоридаги каби фарқли ва ўхшаш жиҳатларни тўлиқ ўрганиш ва уни амалда қўллаш бизга чет тилни янада мустаҳкам эгаллашга замин яратади. Иккала тилдаги унли фонемаларнинг позицион кўринишларига келадиган бўлсак, инглиз тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари, асосан, тўрттадан олтигача фарқланиши мумкин. Ўзбек тилида эса унли фонемалар асосан уч хил позицион кўринишга эга бўлади.⁶² Бу ҳолат чоғиштирилаётган тилларда акустик жиҳатдан ўхшаш бўлган фонемалар бир типдаги товушлар мажмуи сифатида тўлиқ эквивалент эмаслигидан далолат беради. Ўрганилаётган тилларда унлиларнинг тури, позицион кўринишларидаги тафовут улар ўзаро тўлиқ тенг бўла олмаслигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан, инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг эквивалентлик даражаси тўғрисида сўз борганда, уларга нисбатан *ярим эквивалент* терминини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйида бу ҳақида маълумот келтириб ўтилган:

⁶¹Раджабов Н.Н. ИнглизваЎзбектилларида вокализм системасининг фонологик жиҳатдан чоғиштирама тадқиқи: Филология фан. Д-ри ... Автореферати Т-2018 – Б. 11

⁶² Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010; Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: Ижод нашр., 2006].

/e/, /i:/, /ɪ/, /aɪ/, /iə/, /ɛə/ фонемалари асосан олти хил позицион кўринишда воқеланади:

инвариант (фонеманинг асосий кўриниши): city ['sɪtɪ];

вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ): pig [pɪg];

вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа): pick [pɪk];

вариация (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ): pity ['pɪtɪ];

вариант (урғусиз ҳолатда бошқа товушларга ўзгариши): geopolitical [ˌdʒi:əpə'li:tɪkəl] - geopolitics [ˌdʒi:əpə'lətɪks], peculiar [pi'e'kju:lɪə].

/ɒ/, /ʊ/ /ʌ/ /æ/ /ɑ:/, /ɔ:/, /z:/, /ə/, /u:/, /eɪ/, /əʊ/, /ʊə/ фонемалари асосан беш хил позицион кўринишда ифодаланади:

инвариант (фонеманинг асосий кўриниши): four [fɔ:];

вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ): ford [fɔ:d];

вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа): court [kɔ:t];

вариация (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ): audition [ɔ:'dɪʃn];

вариант (урғусиз ҳолатда бошқа товушга ўзгариши): reform [rɪ'fɔ:m] – reformation [refə'meɪʃən].

/ɔɪ/, /aʊ/ фонемалари асосан тўрт хил позицион кўринишда воқеланади:

инвариант (фонеманинг асосий кўриниши): now [naʊ];

вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ): loud [laʊd];

вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа): lout [laʊt];

вариация (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ): outrageous [aʊt'reɪdʒəs].

Ўзбек тилида мавжуд 6 та унли фонеманинг ҳар бири асосан уч хил позицион кўринишда ифодаланади:

инвариант (фонеманинг асосий кўриниши): бир [bɪr];

вариация (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ): бироз [bɪ'roz];

вариация (CVC, CV-CV тузилишга эга бўғинлардаги икки жарангсиз ундош орасида жуда қисқа талаффуз қилинади): чик [tʃɪq], шиши [ʃ(ɪ)ʃɪ].

Маълумки, сўз маъносини фарқловчи фонологик бирликлар орасида «бир хил ўрин ва бир хил ҳолатда бўлиш» тамойили асосан фонемага хос бўлиб, унга кўра фонемалар сўздаги бир хил ўринда ва ўзаро тенг ҳолатда (урғули ёки урғусиз) фонологик оппозиция ҳосил қилади: қил [qɪl] - қул [qʊl] (сўз ўртасида, урғули ҳолатда); қилади [qɪladɪ] - қулади [qʊladɪ] (сўз бошида, урғусиз ҳолатда). Тадқиқот жараёнида фонемалар маъно фарқлаши учун *улар* сўзнинг бир хил ўрнида келиши кераклиги тамойили ўзгармас, лекин уларнинг бир хил ҳолатда (ё урғули, ё урғусиз) бўлиши кераклиги тамойили баъзан ўзгарувчан эканлиги ойдинлашди. Унга кўра, сўз ва морфемалардаги ўрни бир хил, лекин урғунинг иштирокига кўра ҳар хил ҳолатда бўлган фонемалар ҳам сўз маъносини фарқлай олиши мумкин. Бундай *маъно фарқловчи товуш жуфтликлари* оппозициядан фарқ қилиб, аъзоларининг бири урғули, бири урғусиз ҳолатда бўлади. Оппозиция аъзолари эса урғунинг иштирокига кўра бир хил – иккала аъзоси ҳам урғули ёки иккала аъзоси ҳам урғусиз ҳолатда бўлиши керак. Инглиз ва ўзбек тилларида маъно фарқловчи товуш жуфтликларига қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

Инглиз тилида: /ʌ - ə/: sum [sʌm] - some [səm]; /ɔ: - ə/: corn [kɔ:n] - can [kən]; /ɪ - ʊ/: kid [kɪd] - could [kʊd]; /u: - ʊ/: too [tu:] - to [tʊ]; /u: - ɔ:/: outdo [aʊt'du:] - outdoor [ˈaʊtdɔ:]; /æ - ə/: abcess [ˈæbses] - abscess [əb'ses]; /ɔ: - ɪ/: outfought [aʊt'fɔ:t] - outfit [ˈaʊtfɪt]; /z: - e/: insert [ɪn'sɜ:t] - inset [ˈɪnset].

Ўзбек тилида: /a - ɪ/: билган – билгин; /ɒ - a/: буғдой – буғдай (буғга ўхшаб); /ɪ - a/: тузли – тузла (туз билан); /ɪ - ʊ/: ювинди – ювунди (овқат қолдиғи); /a - ɒ/: амма – аммо; /o - ɪ/: шаклдор – шаклдир. Сўз маъносини фарқловчи товуш жуфтликларига мисоллар тилларда, бир бўғинли

сўзларнинг охирида келган ундош товушларнинг жарангли-жарангсиз белгиси инглиз тилида ўзгармас, ўзбек тилида нейтрализация қилиниши ўзбек тилида унлиларнинг жарангли ундошга тугаган бўғиндаги кўринишини алоҳида вариация сифатида талқин қилиш заруратини келтириб чиқармайди. хусусан, инглиз ва ўзбек тилларида нисбатан кам учраса-да, улар мазкур товуш жуфтликларининг тилда мавжуд эканлигини изоҳлашга асос бўла олади. Шундай экан, сўз маъносини фарқлашга хизмат қилувчи унли фонема оппозицияларини урғунинг иштирокига кўра *фонологик оппозиция* ҳамда маъно фарқловчи товуш жуфтликларига ажратиб тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйида инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг ёзувда акс этиши ҳақида маълумот келтирилган: Инглиз тили - унли фонемалар:

/ɪ/ ёзувда ифодаланиши (асосан қуйидаги ҳарф ва ҳарф бирикмалари билан ифодаланади) /“i”, “y”, “e”, “a”, “u”, “o”, “ee”, “ie”/.

/e/ - /“e”, “a”, “ea”/.

/æ/ - /“a”, “ai”/.

/ɑ:/ - /“ar”, “al”, “aff”, “ass”, “au”, “er”, “ear”, “oir”, “age”/.

/ɒ/ - /“o”, “a”, “ou”, “ow”, “au”, “ach”/.

/ɔ:/ - /“aw”, “au”, “or”, “a”, “ou”, “ore”, “oar”, “oor”, “our”/.

/ʊ/ - /“u”, “o”, “oo”, “ou”/.

/ʌ/ - /“u”, “o”, “ou”, “oe”, “oo”/.

/z:/ - /“er”, “ir”, “ur”, “yr”, “ear”, “or”, “our”, “olo”, “err”, “urr”/.

/ə/ - /“a”, “e”, “i”, “o”, “u”, “oar”, “or”, “er”, “ough”, “ar”, “ou”/.

/i:/ - /“e”, “i”, “ee”, “ea”, “ei”, “ie”, “ey”, “uay”, “eo”, “ae”, “oe”/.

/u:/ - /“u”, “o”, “oo”, “ou”, “ew”, “oe”/.

/ei/ - /“a”, “ai”, “ay”, “ei”, “ea”, “ey”, “eigh”, “ua”, “ue”/.

/ai/ - /“i”, “y”, “ie”, “ei”, “uy”, “ye”, “igh”/.

/oi/ - /“oi”, “oy”/.

/ao/ - /“ou”, “ow”, “ough”/.

/əʊ/ - /“o”, “ou”, “ow”, “oa”, “oo”, “ew”/.

/ɪə/- “eer”, “ear”, “ere”, “eir”, “ier”, “ea”.

/eə/- “air”, “ear”, “are”, “ere”, “ar”.

/ʊə/- “ure”, “oor”, “our”, “oer”, “ue”, “ewer”.

Ўзбек тилида унли фонемалар ва уларнинг ёзувда ифодаланиши:

/ɪ/ -“i”

/e/ -“e”

/ʌ/ -“a”

/ʊ/ -“u”

/o/“o”

/ɒ/ “o”

Инглиз ва ўзбек тилидаги харфлар орфоэпияси:

“i” [aɪ] *fine* [faɪn]

[ɪ] *pin* [pɪn]

[aɪə] *tire* [taɪə]

[ɜ:] *bird* [bɜ:d]

“a” [eɪ] *pale* [peɪl]

[æ] *pat* [pæt]

[eə] *care* [keə]

[ɑ:] *hard* [hɑ:d]

“e” [i:] *scene* [si:n]

[e] *ten* [ten]

[ɪə] *here* [hɪə]

[ɜ:] *per* [pɜ:]

“o” [əʊ] *hope* [həʊp]

[ɒ] *pot* [pɒt]

[ɔ:] *core* [kɔ:]

[ɔ:] corn [kɔ:n]

“u” [u:]

[ju:] *cube* [kju:b]

[ʌ] but [bʌt]

[ʊə][jʊə] *pure* [pjʊə]

[z:] turn [tɜ:n]

“y” [aɪ] *deny* [di'naɪ]

[ɪ] *myth* [mɪθ]

[aɪə] *lyre* [laɪə]

[z:] *myrtle* ['mɜ:tl]

Ўзбек тилида: “i” [ɪ] товуши билан ўқилади: *кий* [kɪy],

кир [kɪr], қир [qɪr].

“a” [ʌ] товуши билан ўқилади:

пат [pʌt], сана [sʌnʌ].

“e” [e] товуши билан ўқилади:

эрк [ɛrk], сени [senɪ]

“o” [ɒ] товуши билан ўқилади:

бор [bɒr], момо [mɒ'mɒ].

“u” [ʊ] товуши билан ўқилади:

тур [tʊr], туриб [tʊ'ɪb].

“o' ” [o'] товуши билан ўқилади:

тўр [to'r], тўри [to'ɪ].

3.3. Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида интерференция омили ва лингводидактика масалалари

Инглиз ва ўзбек тилларидаги интерференция омили қандай маъноларни англатишини ва лингводидактика масалаларини қуйидаги маълумотлар орқали билиб оламиз. Интерференция омили деганда бу она тилининг чет тилга бўлган салбий таъсири тушунилади. Хар бир чет тил ўрганувчи ўша тилнинг талаффуз қоидаларида ёки грамматикасида хатоликларга ёки маълум бир ғализликларга йўл қўйиши, бунга сабаб она тилининг ва ўша чет тилнинг кескин фарқ қилиши сабаб бўлиши мумкин. Бунда албатта, хар бир ўрганувчи ўрганилаётган чет тил қонун қоидаларини хар томонлама мукамал эгаллашга ҳаракат қилиши лозим. Бу икки тилнинг вокализм тизимидаги интерференцияга келадиган бўлсак, юқорида қайд этилганидек инглиз ва ўзбек тили унли товушлар тизими сифат ва миқдор жihatдан фарқ қилади, бу эса ўз навбатида талаффузда ўзининг интерференция омиллари намоён қилади.

Инглиз ва ўзбек тиллари унлиларининг фонетик ва фонологик хусусиятларидаги қайд этилган тафовутлар ўзбек тил соҳибларининг инглизча нутқида интерференцияга сабаб бўлади. Тилнинг маълум бир сатҳига оид интерференцияни тадқиқ қилишда, аввало, **потенциал интерференция** ва **фактли интерференция** каби тушунчаларга ойдинлик киритиш лозим. Потенциал интерференция деганда икки тил системасини чоғиштириш орқали она тилининг ўрганилаётган чет тили меъёрларига таъсир этиш ҳолатларини ёритиш; фактли интерференцияда эса маълум бир анкета сўровномалари ва матн асосида ўтказилган тажриба-синов натижасида қўлга киритилган хулосалар тушунилади.⁶³ Тадқиқотларда ўзбек

⁶³ Раджабов Н.Н. Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм системасининг фонологик жihatдан чоғиштирма тадқиқи: Филология фан. Д-ри ... Автореферати Т-2018 – Б. 21

тили товуш курилишининг инглиз тили унлилари талаффуз меъёрларига таъсири потенциал интерференция нуктаи назаридан ўрганилади. Чоғиштирилаётган тилларда унлиларнинг фонетик ва фонологик интерференциясига олиб келувчи лингвистик омилларнинг икки турини фарқлаш лозим:

1) вокализм тизими билан бевосита боғлиқ лингвистик

омиллар: а) унлилар тизимининг тузилишидаги тафовут;

б) унлиларнинг артикуляцион-акустик (ҳосил бўлиш ўрни ва эшитилиши) хусусиятига кўра ўзига хослиги;

в) урғусизлик ҳодисасининг турлича намоён бўлиши;

г) унлиларнинг позицион кўринишларидаги номутаносиблик.

2) вокализм тизими билан билвосита боғлиқ лингвистик омиллар:

унли фонемалар орфографиясидаги ҳамда унли ҳарфлар орфоэпиясидаги тафовут (юқорида бунга мисоллар берилди).

Интерференция сўзи лотинча **inter** (ўртасида) ва **ferentis** (кўтариш, олиб юриш) сўзларидан келиб чиққан. Тилшуносликда интерференция омили икки ёки ундан ортиқ тиллар ўзаро алоқада бўлганда пайдо бўлади, яъни, баъзи тил даражалари таъсири остида бошқа тил тузилиши нормаларининг бузилиши содир бўлади. Интерференция омилининг пайдо бўлишининг сабаби, одам ўз нутқини она тили ёки (FL1) нормаларига мувофиқ куриши ва (FL2) нинг индивидуал тил фактлари ўртасида ғайриоддий алоқаларни ўрнатиши. Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, тилларни мультилингвал тарзда муаммолари жуда мураккаб ва барча қатламларни (фонетик, лексик, грамматик, орфографик) қамраб олади ва (FL2) ни ўрганишда умуман ишлаб чиқариш ва рецептив нутқ фаолиятига таъсир қилади. Фонетикада интерференциянинг энг кенг тарқалган тури бу бирон бир тилининг талаффуз кўникмаларини тегишли бир тилга ёки сўзга тўғридан-тўғри ўтказиш муаммолари. Бу унлиларга ҳам, ундошларга ҳам тегишлидир. Бу борада ўрганувчи ўзлаштиришнинг тегишли стратегиясини ўзи танлаши керак. Грамматик интерференциянинг баъзи ҳолатларини таҳлил қилиш бизга

одатий грамматик қийинчиликларни ва уларни бартараф этиш усулларини аниқлашга имкон беради. Бу бизга тил материални тушунтириш ва бирлаштиришнинг оқилона усулларини топишга имкон беради. Грамматик интерференция ҳодисасини эса феъл шаклларини таққослаш, уларнинг ўхшашликлари ёки фарқлари нима эканлигини очиқ бериш орқали билиб олиш мумкин.

Нутқнинг ҳар қандай қисмини таққослашда фарқлар мавжуд, масалан, жинснинг мос келмаслиги, ўзбек тилида жинс деган тушунча грамматик жихатдан мавжуд эмас, инглиз тилида эса олмошлар орқали шахснинг жинси ёки предметнинг нима эканлиги ифодаланади. Шунингдек ўзбек тилида инглиз тилидагидек артиклар ҳам мавжуд эмас. Бу каби фарқли жихатлар ҳам умумий олиб қаралганда, нутқда интерференция омилларига сабаб бўлиши мумкин. Қиёсий таҳлил қуйидаги саволларга жавоб беришга имкон беради:

Структураларнинг ишлатилишидаги фарқи, шакли ва мазмуни туфайли қайси грамматик ҳодисалар қийинроқ?

Ушбу ҳодисаларнинг қайси турлари қандай қийинчиликларга олиб келади?

Тил меъёрлари бузилиши юз берса, хатоларни олдини олиш ва тузатишнинг қандай оқилона шакллари мавжуд?

Муайян ҳодисаларни онгли равишда таҳлил қилиш интерференциянинг олдини олиш ва табақалаштирилган ёндашув ўқув материалнинг ҳаддан ташқари мураккабланишини бартараф этишга ёрдам беради. Матн ва машқларни танлаш, тиллараро аралашувни ҳисобга олган ҳолда назорат варақаларини тузиш самарали ўқишни ташкил этишнинг муҳим элементларидан биридир. Интерференция пайдо бўлишининг частотаси учта омилга боғлиқ:

- нутқни ривожлантириш даражаси ва уни онгли равишда билиш;

- (FL1)ни қанчалик яхши билса, унда интерференция ҳодисалари шунчалик кам бўлади. Аммо бу, шунингдек (FL1) нинг эгалик даражасининг пастлиги (FL2) ни тормозлантириши мумкинлигини англатади;
- (FL1) ва (FL2) ни ўрганишда бўладиган вақт оралиғининг катта ёки кичиклигига, биринчи ва иккинчи хорижий тилнинг ўрганиш вақт оралиғи қанча кичик бўлса иккинчи хорижий тилга бунинг таъсири шунчалик катта бўлади.

Интерференциянинг олдини оловчи кўплаб омиллар мавжуд бўлиб буларга қуйидагилар киради:

тиллараро таққослаш;

интерлингвал контраст машқлари;

таржима;

мураккаб вазиятларни тушунтириш учун оғзаки қоидалар.

(FL2) ни ўрганишда интерференция омилини ҳисобга олиш хатоларнинг олдини олиш, уларнинг сонини камайтириш ва шу билан ўқув жараёнини жадаллаштириш ўқув жараёнини осонлаштиришга имкон беради.

Классик тилшунослик адабиётида интерференциянинг ҳар хил турлари мавжуд:

1. фонетик;
2. семантик;
3. лексик;
4. грамматик;
5. орфографик;
6. стилистик;
7. лингвомамлакатшунослик;
8. ижтимоий-маданий.⁶⁴

⁶⁴ <https://infourok.ru/metodicheskaya-razrabotka-principi-preodoleniya-interferencii-russkogo-yazika-pri-izuchenii-angliyskogo-yazika>

Фонетик интерференция бу бирон бир чет тилни талаффуз жараёнида она тилининг таъсири туфайли хатоликларнинг пайдо бўлишидир.

Семантик интерференция бу бошқа чет тилдаги сўзларнинг маъносидаги хатоликлар. Мисол учун она тилидаги бир сўз бошқа бир чет тилда она тилидаги каби маънони англатмаслиги мумкин.

Грамматик интерференция бу она тили ва чет тилнинг грамматикасидаги кескин тафовут сабабли юз берадиган ходиса. Мисол тариқасида юқорида айтиб ўтганимиздек инглиз тилида ва ўзбек тилидаги гап бўлакларининг ўрни яъни (word order).

Орфографик интерференция бу она тилининг чет тил ёзиш қоидаларига салбий таъсири. Ўзбек ва инглиз тили орфографияси бир биридан кескин фарқ қилади. Бу эса тил ўрганувчида орфографик интерференция юз беришига олиб келади.

Стилистик интерференция бу услубий жихатдан яъни, она тили таъсирида бошқа бир чет тилда сўзларни қўллашнинг услубий жихатдан ғализлиги ва шу кабилар киради.

Юқоридаги маълумотларимизнинг лингводидактик жихатларига келадиган бўлсак, аввало бу сўзга кенгроқ таъриф бериб ўтиш ўринли бўлади. “Лингво” сўзи – тил маъносини англатса, “дидактика” – таълим бермоқ, ўқитмоқ маъносида қўлланилади. Лингводидактика - бу чет тилни ўқитишни ҳам, чет тилини ўзлаштиришни ҳам ҳисобга оладиган амалий лингвистик фан. Лингводидактика тилни ўқитишнинг умумий қонуниятларини ўрганади, дидактик мақсадларга боғлиқ равишда маълум бир тилни ўқитиш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқади, монолингвизм (монолингвализм) ёки икки тиллилик (билингвализм) тилни ўрганишга таъсирини ўрганади ва бир қатор боғлиқ муаммоларни ҳал қилади.⁶⁵

"Лингводидактика" атамаси 1969 йилда Н.М.Шанский томонидан киритилган ва 1975 йилдан бери халқаро миқёсда тан олинган. Яъни, инглиз ва ўзбек

⁶⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

тилларининг вокализм тизими интерференция омилининг ўқитиш масалалари кўриб чиқилади.

Хозирги кунда чет тилига бўлган эътибор кучайгани сабабли бу тилларни ўқитиш методлари турли замонавий ёндашувларга, усулларга, стратегияларга асосланмоқда. Тилнинг фонетика ва фонология бўлимлари ўзига яраша мураккабликларга эга бўлганлиги сабабли ўқитувчи ва профессорлар талабаларга бу бўлимларнинг мураккаблигини ҳам содда ва раво тилда тушунтиришга, уларнинг чет тили талаффузи мобайнида она тилининг интерференцияси юз бермаслиги учун унли ва ундош фонемаларнинг фарқи, талаффуздаги фарқи қандай бўлишини етказиб беришга ҳаракат қиладилар. Маълумки ўзбек талабаларининг нутқида она тилининг таъсири яъни интерференция омили юқори даражада кузатилади. Шундай экан дарсларда бу каби ҳатоликларни олдини олиш мақсадида бу икки тилнинг вокализм ва консонантизм тизими ҳақида ўқитилади. Бунинг учун махсус фанлар жумладан, фонетика, назарий фонетика, оғзаки нутқ амалиёти, тил кўникмалари интеграцияси каби фанлар жорий этилган. Талабаларнинг нутқида нуқсон бўлишини олдини олиб, дарсларда кўплаб ривожлантирувчи машқлар ёки оригинал материаллардан яъни ўрганилаётган чет тилнинг мультимедиа дастурларидан : (listening) машқларини ўтқизиш, турли аудио ва видео материалларидан фойдаланиш ёки транскрипция усулида диктантлар ёздириш каби методлардан фойдаланилади. Нафақат фонетика балки бошқа махсус фанларда ҳам у хох назарий бўлсин хох амалий бўлсин оғзаки нутқ талаффузига эътибор кучайди. Бунда ҳозирги янги методлардан келиб чиқиб, дарснинг марказида ўқитувчи эмас балки ўрганувчи иштирок этиб амалда жуда катта ўзгаришларга ва ютуқларга эришилди. Амалий дарсларда аудио ва видео машқлар орқали талабалар ўзларининг ҳатоларини ўзлари таҳлил қилишларига имконият яратилади. Бунда ўқитувчи йўналтирувчи вазифасини бажаради. Қуйида аксарият ўзбек талабаларнинг нутқида учровчи бир қанча ҳатоликларга мисол келтирамиз:

кўплаб талабаларда кузатилганидек улар инглиз тилидаги - ed фонемасини нотўғри талаффуз қилишади: worked[wə:kt] started[sta:tid] picked[pikt] Ўқитувчилар бунга сабаб қилиб она тилининг интерференция омилини кўрсатишади.

Яна бир мисол қилиб “i” фонемасининг сўзнинг ўртасида келганда ўқилишидаги хатоликлар : entity [entɪti] civilization [sɪvɪlaɪzeɪʃən].

Шунингдек баъзи талабаларимиз инглиз тилида урғу ва сўзлардаги урғу ҳақида етарли даражада билимга эга эмасликлари туфайли ёки етарли даражада эътибор бермасликлари туфайли ҳам бир қанча хатоликларга йўл қўйишади.

Мисол учун ўзимиз ҳам бакалавр босқичида ўқиб юрган кезларимизда то “назарий фонетика” деб аталган махсус фан ўтилмагунга қадар инглиз тилидаги урғу, фонема, сўз урғуси ёки гап урғуси, фонеманинг товушдан фарқи каби масалаларга саёз қараган эдик ва бундай тушунчалар ҳақида маълумотга эга бўлмаганмиз. Урғунинг нотўғри қўлланишига талабаларнинг баъзи хатоларини мисол келтирган бўлар эдик. Инглиз тилида бир сўзнинг урғуси ўзгариши билан унинг сўз туркуми яъни от ёки феълга тегишли эканлигини билиб олса бўлади. Мисол учун: gradua'te [grædʒuɪt] – бу сўз от туркумига мансуб битирувчи маъносида урғу сўзнинг охирига тушяпти, [grædʒueɪt] – буниси эса (феъл) сўз туркумига мансуб битирмоқ маъносида. Худди шундай use сўзида [ju:z] – бу (феъл) ишлатмоқ маъносида [jus] – (от) қўлланилиш маъносида. Яъни сўздаги урғунинг ўрни талаффузга ва сўзнинг маъносига қанчалик таъсир этаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бу каби фанлар ҳам назарий ҳам амалий ўтилганлиги сабабли чет тил яъни инглиз тили фонетикаси тўғрисида тушунчаларга эга бўлдик. Бундай фанларнинг ўқитиш дастурига киритиш энг оқилона ўйланган режа деб хисоблайман чунки хар қандай чет тилининг фонетикаси ва фонолигияси уни ўрганмоқчи бўлган инсонлар учун бир қанча қийинчиликларни туғдиради. Бу каби фанлардаги тўғри танланган мавзулар ва ёндашувлар албатта бизга бу

каби қийинчиликларни енгишга ёрдам беради деб хисоблайман.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган изланишлардан маълум бўлдики, инглиз ва ўзбек тилларида унлиларнинг артикуляцион-акустик хусусиятлари урғули ва урғусиз ҳолатда ўзига хос тарзда тавсифланади. Чоғиштирилаётган тилларда урғусизликнинг ўзига хос табиати унлиларнинг сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиларининг ўзгаришида, редукциянинг юзага келишида, урғусиз унлиларнинг сўздаги дистрибуциясида намоён бўлади. Инглиз тили унлилари урғусизлик натижасида аксарият ҳолларда бошқа товушга ўзгариб кетади. Ўзбек тилида унлиларнинг бундай хусусияти йўқ. Инглиз тилида унлиларнинг урғусиз ҳолатда сифат ва миқдор белгиларининг ўзгариш натижаси барча унли фонемаларда бирдек кечмайди. /ɪ, æ, a:, ə:, ɒ, ʌ, z:, eɪ, əʊ, ʊə/ унлилари урғусиз ҳолатда, асосан, нейтрал /ə/ га ўзгаради, кам ҳолларда сифат ва миқдор белгиларини деярли тўлиқ сақлаб қолади. /ʊ/, /u:/ фонемаларининг сифат ва миқдор белгилари урғусиз ҳолатда деярли ўзгаришсиз қолади, баъзи сўзлардагина нейтрал /ə/ га ўзгаради. /i:/, /e/, /iə/, /eə/ унлилари урғусиз бўғинда аксарият ҳолларда нейтрал /ə/ га, баъзи сўзларда урғусиз /ɪ/ га ўзгаради, баъзи сўзларда деярли ўзгаришсиз воқеланади. /aɪ/ унлиси урғусиз ҳолатда, асосан, урғусиз /ɪ/ га, янада кучсизланиши натижасида нейтрал /ə/ га ўзгаради, баъзи сўзларда сифат ва миқдор белгисини деярли тўлиқ сақлаб қолади. /ɔɪ/, /aʊ/ фонемалари урғусиз ҳолатда, асосан, сифат ва миқдор белгиларини сақлаб қолади, уларнинг урғусиз ҳолатда нейтрал /ə/ га ўзгариши деярли учрамайди.

Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм тизими фонологик жиҳатдан унли фонемаларнинг фарқланиш белгиларида, фонологик оппозицияларнинг таркибий тузилишида, фонологик оппозиция турларида, фонологик оппозициялар нейтралзациясида тафовутга эга. Унли фонемалар инглиз тилида уч (*тилнинг қатор белгиси, тилнинг кўтарилиши белгиси, унлиларнинг сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиси*), ўзбек тилида икки (*тилнинг кўтарилиши белгиси ва лаб белгиси*) фонологик белги билан

фарқланади. Редукция англиз тилида урғусиз унлиларга, ўзбек тилида урғусиз унлилар билан бир қаторда урғули унлиларга ҳам таъсир қилади. Ўзбек тилида юқори тор унлилар урғули ҳолатда қисман, урғусиз ҳолатда фонетик контекстга боғлиқ ҳолда қисман ёки тўлиқ редукцияга учрайди. Ўрта ва қуйи кенг унлиларга редукция урғусиз ҳолатда қисман таъсир қилади. Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм тизими фонологик жиҳатдан унли фонемаларнинг фарқланиш белгиларида, фонологик оппозицияларнинг таркибий тузилишида, фонологик оппозиция турларида, фонологик оппозициялар нейтрализациясида тафовутга эга. Унли фонемалар англиз тилида уч (*тилнинг қатор белгиси, тилнинг кўтарилиш белгиси, унлиларнинг сифат ва миқдор (чўзиқ-қисқа) белгиси*), ўзбек тилида икки (*тилнинг кўтарилиш белгиси ва лаб белгиси*) фонологик белги билан фарқланади.

Вокализм тизимининг тузилишига боғлиқ ҳолда унлиларнинг фонологик оппозициялари ҳам содда ёки мураккаб тузилишга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан унлиларнинг фонологик оппозициялари англиз тилида мураккаб, ўзбек тилида содда тузилишдан иборатдир. Фонологик оппозициялар фонологик тизимнинг энг кичик структуравий бирлиги ҳисобланади. Улар тарихан ўзгариб туриши мумкинлиги туфайли тил тараққиётининг маълум бир босқичига нисбатан белгиланади. Вокализм тизими ҳозирги замон англиз тилида мураккаб, ўзбек тилида содда тузилиш касб этади. Шунга кўра, фонологик оппозицияларнинг англиз тилида жами 50 дан ортиқ; ўзбек тилида жами 15 та тури учрайди.

Чоғиштирилаётган тилларда фонологик оппозициялар билан бир қаторда, сўз маъносини фарқловчи товуш жуфтликлари ҳам мавжуд. Урғунинг иштирокига кўра фонологик оппозицияларда аъзоларининг ҳар иккаласи бир мақомда (урғули ёки урғусиз) бўлади. Маъно фарқловчи товуш жуфтликларида эса аъзоларининг бири урғули, бири урғусиз ҳолатда бўлади. Маъно фарқловчи товуш жуфтликлари англиз тилида сўзнинг исталган ўрнида, ўзбек тилида одатда сўз охирида учрайди. Инглиз ва ўзбек тилларида

унли фонемалар тури, сони ва уларнинг позицион кўринишлари ўзаро мос келмайди. Инглиз тилида /ɔɪ/, /aʊ/ фонемалари асосан тўрт хил позицион кўринишда, /ɒ, ʊ, ʌ, æ, ɑː, ɔː, ɜː, ə, uː, eɪ, əʊ, ʊə/ фонемалари асосан беш хил позицион кўринишда, /e, iː, ɪ, aɪ, iə, eə/ фонемалари асосан олти хил позицион кўринишда воқеланади. Ўзбек тили унли фонемалари, асосан, уч хил позицион кўринишда намоён бўлади. Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм тизимининг кескин тафовутга эга эканлиги чет тили (инглиз тили)ни ўрганиш жараёнида фонетик ва фонологик интерференциянинг юзага келишига замин яратади. Ўзбек тили соҳибларининг инглизча нутқида унли фонемаларнинг потенциал интерференциясига бир нечта лингвистик омиллар сабаб бўлади. Мазкур лингвистик омилларнинг асосини *вокализм системасининг тузилишидаги тафовут, унлиларнинг артикуляцион-акустик хусусиятига кўра ўзига хослиги, урғусизлик ҳодисасининг турлича намоён бўлиши, унлиларнинг позицион кўринишларидаги номутаносиблик, шунингдек унли фонемалар орфографиясидаги ҳамда унли ҳарфлар орфоэпиясидаги тафовут* ташкил қилади. Потенциал интерференция манбаи сифатида бу лингвистик омиллар ўзбек тил соҳибларининг инглиз тили унли фонемалари талаффузини рисоладагидек ўзлаштиришида тўсқинлик қилади. Таъкидланган лингвистик омилларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўзлаштириш ҳамда орттирилган билим ва кўникмаларни мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш товуш интерференцияси ҳолатларининг вақт ўтиши билан бартараф этилишида муҳим асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган маъруза. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 7 декабрь
2. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Тошкент, 2010. – Б. 17
3. Аракин В. Д «Типология языков и проблема методического прогнозирования»
4. Бондаренко Л.П. «Основы фонетики английского языка» Москва изд. «Флинта» 2009
5. Баскаков Н.А. Сравнительно-типологическая фонология тюркских языков. –Москва: Наука, 1988.
6. Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. – Т., 1947. – Б. 24.
7. Данияров Х. «Опыт изучения лжекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком.»Ташкент: ФАН, 1975. С. 103,224, 225.
8. Джуманова Д.Р. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели: Филол. фан. д-ри. ... автореферати. –Т., 2016. – Б. 15.
9. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2005.
- 10.Зиндер Л.Р. Общая фонетика. –М.: Высшая школа, 1979.
- 11.Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: Ижоднашр., 2006. – Б. 45.
- 12.Маҳмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. –Т., 1980. – С. 7.
- 13.М.Ирискулов «Тилшуносликка кириш» Тошкент-1992
- 14.М.Миртожиев. “Ўзбек тили фонетикаси” Тошкент-2013. Б-294
- 15.М.Миртожиев “Ўзбек тили фонологияси” Тошкент -2013 Б-131
- 16.Н.М. Шкурская электронный учебно-методический комплекс по учебной дисциплине «Типология родного и иностранного языков»

- 17.Раджабов Н.Н Инглиз ва Ўзбек тилларида вокализм системасининг фонологик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқи: Филология фан. Д-ри ... АвторефератиТ-2018 – Б. 11.
- 18.Решетов В.В. Узбекский язык. –Т., 1959.
- 19.Сингармонизм сўзи грек тилидан олинган бўлиб, *товуш уйғунлиги* деган маънони билдиради [Большой энциклопедический словарь языкознание. 3-изд. – М.: Бол. Рос-я энцик-я, 1998. – С. 445].
20. С.Солижонов «Илмий мақолалар»
- 21.Турсунов У. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1975.
- 22.Шевченко.Т.И “Фонетика и фонология английского языка” 2017. Б 5-6
- 23.Ш.Абдурахмонов, И.Ў. Дарвишов “Ҳозирги ўзбек тилидан (фонетика) амалий машғулотлар ишланмаси
- 24.Шоабдурахмонов Ш. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980.
- 25.Ўзбек тили унлиларининг фонологик белгилари хусусида: Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент: Ўқитувчи. 1992. 65-66-бетлар. Нурмонов А.. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 15-17-бетлар
- 26.Энциклопедический словарь юного лингвиста / Сост. М.В. Панов . 2-е изд., перераб. и доп. . М.: Флинта: Наука, 2006.
- 27.Abduazizov A.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Т.: Musiqa, 2007. – P. 123.
- 28.Maksumov A.G. English Phonetics. – Tashkent, 2016. – Б. 142.
- 29.Vassilyev V.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Moscow: High School Publ. House, 1970. – P. 216.

Интернет манбалари:

- 30.https://studopedia.su/20_624_ponyatie-izomorfizma-i-allomorfizma.html
- 31.<https://ru.wiktionary.org/wiki/>
- 32.<https://infourok.ru/metodicheskaya-razrabotka-principi-preodoleniya-interferencii-russkogo-yazika-pri-izuchenii-angliyskogo-yazika>

33. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>